Тошкент оқшоми

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

Шаҳар ижтимоий-сиёсий газетаси

№ 17 (8.907) ✱ 1997 йил 10 февраль, душанба ✱ Сотувда эркин нархда

Ҳиссадорлик жамиятларида

«КЕЙС» ТРАКТОРЛАРИ

Қисқа муддат ичида «Ўзқишлоқмашхолдинг» таркибига кирувчи 15 та корхоналардан яна учтаси бирин-кетин ҳиссадорлик жамиятларига айланишди.



Улар жумласига Тошкент трактор заводи, Тошкент қишлоқ хўжалиги машиналари ишлаб чиқариш бирлашмаси ва «Агрегат» заводларини киритиш мумкин.

Янги усулга ўтиб ишлаш айниқса тракторсозларга қўл келмоқда. Улар астойдил меҳнат ва тадбиркорлик эвазига корхонанинг иқтисодий таназзулдан чиқиб оёққа туриб олишига ўз ҳиссаларини қўшишмоқда. Шу туфайли жамоа ўтган йил декабрь ойи режасини ортиғи билан адо этди. Ҳозир корхона беш кунлик иш тартибига ўтиб ишлаяпти. Баъзи бўлинмалар эса икки сменали меҳнат давомийлилигига эришишди.

Корхона январь ойида 400 дона «ТТЗ-80», 400 дан дона «Т 28 Х 4», 150 дона «МТЗ—80» ва 300 дона тиркама, жами 1250 дона қишлоқ хўжалик техникасини ишлаб чиқариш режалаштирган эди. Бу топшириқ ҳам адо этилди.

Мақом ўзгаргач хорижий сармояларни жалб этиш учун шароитлар яратилди, чет элдаги ишончли шериклар билан ҳамкорлик қилиш имкони туғилди. Бу хусусда дастлабки қадам қўйилиш арафасида. Масалан бу йил АҚШнинг «Комминз» фирмасидан келтириладиган 80-125 от кучига эга бўлган двигателлар билан жиҳозланган 3600 дона замонавий тракторлар ишлаб чиқариш кўзда тутилган.

Яна АҚШнинг «Кейс корпорейшн» фирмаси билан ҳамкорликда 60 сантиметр қатор оралиғида ишлашга мўлжалланган янги конструкцияли трассмиссияни яратиш имконияти ўрганилмоқда. Бундан ташқари корхона «Кейс» тракторларидан 2 мингта ишлаб чиқаради. Бу техниканинг ярмидан пахта йиғимтеримида фойдаланилади. Беш йил ичида бундай машиналарни тайёрлаш кўпайиб, улардан нафақат республикамиз далаларида фойдаланибгина қолмай, балки бу техникаларни хорижий мамлакатларга сотиш имконияти ҳам туғилади.

Маҳмуд ОРИПОВ.

СУРАТДА: корхонанинг 19-трактор йиғув цехида. Созловчилар бригадаси бошлиғи Ширин Муҳаммадиев ва созловчи Павел Чучковлар янги моделдаги «Т-130» агрегатини йиғиш устида.

Келажакка юз тутган шаҳар

БОШ ДАРВОЗА ЧИРОЙ ОЧМОҚДА

Пойтахтимизнинг Шимолий темир йўл вокзали атрофи ва унга туташган кўчаларда кенг кўламли таъмирлаш-ободонлаштириш ишлари бошлаб юборилди.

Илгари гавжум автомобиль йўлининг икки томонида жойлашган автобекат бевосита вокзал майдонига кўчирилиб, йўловчилар учун янада кўпроқ қулайлик яратилди. Вокзалга қатновчи трамвайлар ҳам энди аввалгидек Нукус кўчаси бўйлаб айланиб юрмайдиган бўлди Бунинг учун яна бир қатор трамвай изи ётқизилиб, сўнгги қайтиш бекати қурилиши қизғин олиб бориляпти. Умуман, бу ишлар айни шу кунларда шаҳримизда бажарилаётган кенг кўламли ободонлаштириш тадбирининг бир қисми ҳисобланади. Чунончи, Бобур кўчасидан Буюк Ипак йўли кўчасигача бўлган йўллар ҳам қайта таъмирланади. Туркистон кўчасидаги трамвай йўллари батамом янгиланади.

«Шаҳарйўлтаъмирқурилиш» трести бош пудратчи бўлган бу ишларни Наврўз умумхалқ байрами арафасида ниҳоясига етказиш мўлжалланган. Яқин кунлар ичида азим шаҳримизга келувчи меҳмонлар нигоҳида яна ҳам шинам, обод пойтахт манзараси намоён бўлади.

Беҳзод ЭГАМОВ.

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Иқтисодий ислоҳот, тадбиркорлик ва хорижий инвестициялар бўйича идоралараро кенгашнинг 6 февраль куни бўлиб ўтган мажлисида қимматли қоғозлар бозори ва фонд фаолиятини ривожлантириш мулкдорлар синфини шакллантиришда алоҳида аҳамиятга эга эканлиги кўрсатиб ўтилди. Жамоатчи мухбиримиз Халқ банки Сергели тумани бўлими бошқарувчисининг ўринбосари Пўлат Йўлдошев билан шу хусусда суҳбатлашди.

Қимматли қоғозлар

ХАЛҚ БАНКИ КАФОЛАТЛАЙДИ

— Халқ банки бўлимларида омонатчиларга ўтган йилга нисбатан бу йил ҳам ўз жамғармаларини асрашда янги-янги қулайликлар ва имкониятлар яратилмоқда. Бу имкониятлардан бири яқинда ўз фаолиятини бошлаган Хусусийлаштириш Инвестиция Фондлари томонидан тавсия этилган акцияларни сотишни йўлга қўйдик. Акцияларнинг номинал қиймати 100 сўм бўлиб, ҳар бир мижоз 100 дона акцияни, яъни 10 минг сўм миқдоридаги акцияни сотиб олиши мумкин. Бу сотиб олинган акциялар учун дивидендлар йилига бир ёки икки марта тўланади. Фондларнинг фаолияти ҳақидаги ёки акцияларни қай йўсинда сотиб олиш ҳақидаги ахборотлар кимни қизиқтирса, шаҳримиздаги барча халқ банки бўлимларидан маълумот олишлари мумкин.

Бу йил — Инсон манфаатлари йили. Бунинг замирида жуда катта маъно бор. Шунинг учун ҳам ҳамюртларимиз манфаатини ўйлаб талайгина ишларни амалга оширишни мақсад қилиб қўйганмиз. Хизмат қилишнинг янги турларини жорий этиб, бу борада болаларнинг нафақа пулларини маҳалла билан ҳамкорликда ўз вақтида берилиши чораларини кўриб қўйдик. Тўлиқ таъминлаш мақсадида тумандаги 31 та маҳалла қошидаги халқ банки бўлимининг шохобчалари иши қайта кўриб чиқилмоқда.

Бундан ташқари туманимиз аҳолиси омонатдаги жамғармаларини ошириш мақсадида уларга қўйидаги омонат турлари тавсия этилаётир. Жумладан, талаб қилиб олинадиган омонат йилига 10 фоиз, муддатли омонатлар бир йилдан уч йилгача йилига 30 фоиз, уч йилдан беш йилгача йилига 35 фоиз, 5 йилдан юқори бўлганига йилига 40 фоиз устама ҳақ берилади. Ўқувчиларнинг омонатлари йилига 15 фоиз берилиб, бу омонатга пул ўтказиш йўли билан ҳам омонат очса бўлади. «Омад» туридаги жамғармалар, йилига 10 фоиз устама берилади ва бир йилда икки марта ютуқли тираж ўтказилади. «Рағбат» туридаги омонатлар ойига 3 фоиздан устама берилади.

Мана ҳозир рамазон саховат ойида «Меҳрибонлик» ютуқли спринт лотереясини сотишни кенг йўлга қўйганмиз. Хайрия лотереясидан тушган маблағ Ўзбекистон ногиронларининг ижтимоий ҳимоясини кучайтириш ва уларга кенг имкониятлар яратишга сарфланади.

Бугунги кунда халқ банкининг 37 та шохобчаси узлуксиз самара билан ишлаб турибди. Омонатчиларимизга шохобчаларда барча қулайликлар яратилган. Хизматлар компьютер асосида ташкил этилган бўлиб, аввалги йиллардагидек навбат кутиб туришларга барҳам берилган. Айни кунларда аҳолига индексация қилинган суммаларини бериш кенг кўламда олиб борилаяпти. Аҳоли имкониятларига қараб, шошмаган ҳолда йил давомида белгилаб қўйилган ҳисобдаги умумий қолдиқдан 20 фоиз миқдоридаги суммаларини олишлари мумкин. Хуллас, халқ банки омонатларни жамғаришда ишончли вакил бўлмоқда.

Холмирза АБДУВАЛИЕВ.

Тошкент Молия институтида шеърият мулкининг султони Алишер Навоийнинг таваллуд топган кунига бағишлаб «Алишер Навоийнинг мангу мероси» мавзусида мароқли ва мазмунли кеча бўлиб ўтди.

АВЛОДЛАРГА МАШЪАЛА

Кечада алломанинг инсоният маънавий дунёсига қўшган ҳиссаси ҳақида, ўзбек тилининг асосчиси, туркий тилда биринчи йирик асарлар яратиб, ҳамсачилик мактабини ривожлантиргани, Алишер Навоийнинг бой мероси маънавий хазина вазифасини ўтайвериши, бетакрор истеъдод соҳиби Алишер Навоий истиқлол нашъасини татиётган авлодлари учун бамисли машъала бўлиб қолаётгани таъкидланди.

Кечада Навоийшунос олим, профессор Абдуқодир Ҳайитметов «Алишер Навоий «Хамса»сидаги фалсафий-ахлоқий ва тарбиявий жиҳатлари ҳақида», профессор Содирхон Эркинов «Навоий лирикасининг ҳаётийлиги» ва доцент Н. Ҳусанов «Навоийнинг исм қўллашдаги маҳорати» мавзусида маърузалар қилдилар.

Талабалар бадиий ҳаваскорлари кеча қатнашчиларига концерт намойиш этдилар.

Ўғилой ЭШҚОБИЛОВА.

Газетанинг шу сонига

ЭЗГУЛИККА ДАЪВАТ

Кеча муборак Рамазон ҳайити бошланди.

Ҳали тонг ёришмасиданоқ Ўзбекистон мусулмонлари идораси жойлашган Тилла Шайх жоме масжидига ён-атрофдаги даҳалар, маҳалла ва мавзелардан келган ҳамшаҳарларимиз ҳайит намози ўқиш учун саф торта бошладилар. Ҳар томонга ўрнатилган карнайлардан Қуръони карим оятлари эшитилиб турди. Сўнгра Ўзбекистон мусулмонлари идорасининг раиси, муфтий Мухторжон ҳожи Абдуллаев маъруза қилди.

— Бисмиллаҳир Роҳманир Роҳийм. Азиз биродарлар, мана, ўтган сўнгги ўттиз кунлик ибодатингиз — тонг отардан кун ботгунгача емай, ичмай, ўзни ножўя ишлардан, хаёлни бемаъни фикрлару тилни ёмон сўзлардан тийиб ўтказган дамларингиз ниҳоясига етди, — деди муфтий ўз сўзида. — Илоҳим бу оғир амалларингиз савобини Яратган эгам зиёда қилган бўлсин. Рамазон ойида тутилган рўзанинг шарофати ҳақида пайғамбаримиз Муҳаммад салоллоҳу алайҳи васаллам айтган эканлар: «Агар инсонлар рўзанинг савоблари салмоғини билганларида эди, йил бўйи рўза тутишни орзу қилган бўлардилар».



Барчамизга маълумки, бошланган йилимиз Президентимиз томонидан юртимизда Инсон манфаатлари йили, деб эълон қилинди. Бу йилда ҳар ким ўзининг ҳалол ва сидқидилдан қилган меҳнати билан — деҳқон етиштирган ҳосили, олим ўз ихтироси, эл посбонлари сергакликлари билан, қалам аҳли ажойиб асарлари билан инсонлар фаровонлигига ҳисса қўшиши деганидир. Бунда биз мусулмонлар учун ҳам катта ажру-савоблар бор. Зеро, Ислом таълимотида ўз манфаатидан кўра ўзгалар манфаати учун қилинган ишнинг савоблари ортикрокдир.

Шунингдек, Муфтий ҳазратлари ўз маърузасида Рамазон ҳайити кунлари ҳақида гапираркан, ушбу уч кун фақат хурсандчилик билан ўтиши лозимлиги, янги келин тушган хонадонларда меҳмон кутиш, беморлар, ёлғизлар, дили ўксикларни зиёрат қилиш, бева-бечоралар, моддий ёрдамга муҳтожларга садақа бериш билан улар кўнглини шод этиш, одамлар орасидаги гина-кудуратлар унутилишидан иборат бўлиши даркорлигини таъкидлади.

Қуёш чиққанидан бир неча дақиқа ўтгач, жамоа бўлиб икки ракаатли Рамазон ҳайити намози ўқилди. Намоз сўнгида ушбу ибодатлар, тутилган ўттиз кунлик рўза, берилган фитр садақаларини Аллоҳ ўз даргоҳида қабул қилиши, яшаб турган йилимиз юртимизда инсон манфаатлари йўлида катта муваффақиятлар билан тарихга кириши сўралиб, дуолар қилинди. Ибодат тугагач, мўмин-мусулмонлар бир-бирларини Ийди Рамазон байрами билан қутлашди.

Худди шу куни шаҳримизнинг бошқа жоме масжидларида ҳам Рамазон ҳайити намозлари ўқилди. Одамлар уй-уйларига тарқашиб, бу муборак айёмни байрам қила бошладилар. Хусусан янги келин тушган хонадонлар меҳмонларга тўлди, дийдор кўришганлар бир-бирларини ҳайит билан қутладилар. Диллар қувончларга йўғрилди.

Абдумалик АБДУРАҲМОНОВ.

СУРАТЛАРДА: Мирзо Улуғбек туманидаги Тўра бува жоме масжидида Рамазон ҳайити намози ўқилаётган пайт.

Рустам Шарипов олган суратлар.

Курраи заминимизда

КЛИНТОННИНГ ЎН ТАМОЙИЛИ

Билл Клинтон иккинчи муддатга АҚШ Президентлигига сайлангандан сўнг 4 февралда биринчи бор мамлакатдаги аҳвол тўғрисида анъанавий Номасини баён этди. Нома Американинг XXI асрдаги янги истиқболларига бағишланганлиги билан ажралиб туради.

Билл Клинтон ўз Номасида бир қатор ижтимоий муаммолар қаторида алоҳида эътиборни таълим масалаларига қаратди. АҚШ Президенти мамлакат фуқароларига мурожаат этар экан, келинг, ўз олдимизга қуйидаги уч вазифани қўяйлик, деди. Яъни **ҳар бир 8 ёшли бола ўқий олиши, ҳар бир 12 ёшли мактаб ўқувчиси Интернетдан фойдалана олиши, ҳар бир 18 ёшли коллежда ўқиш имкониятига эга бўлиши, ҳар бир катта ёшли америкалик эса бутун умри давомида ўқиш имкониятига эга бўлиши** вазифаси илгари сурилди. Ана шу вазифаларни амалга ошириш учун келгуси молиявий йилдаёқ 51 миллиард доллар маблағ ажратиш мўлжалланмоқда. Билл Клинтон шунингдек ўзининг ўн тамойилдан иборат «Америка таълими соҳасида ҳаракатга даъват» режасини ҳам эълон қилди. Ушбу тамойиллар қуйидагилардан иборатдир.

1. Таълим сифатини ошириш учун умуммиллий кампаниясини эълон қилиш. Бунинг учун ҳар бир штат ва ҳар бир мактаб таълим сифатининг янги талаблари ўз ифодасини топадиган ўқув дастурларини тузишлари лозим.

2. Мактаблар дунёда энг яхши бўлиши учун дунёда энг яхши ўқитувчилар тайёрлаш.

3. Барча болалар ўқий олишига эришиш. Бунинг учун «Америка ўқимоқда» шиори остида ҳар бир болани учинчи синфни тугаллагунга қадар ўқишга ўргатадиган кўнгилли ўқитувчиларнинг миллионлик армиясини тузиш. Бу ишга коллежларнинг камида юз минг нафар студентини жалб этиш.

4. Ўқитиш жараёнини инсон ҳаётининг биринчи кунларидан бошлаш. Бунинг учун ота-оналар фарзандлари туғилиши билан улар билан суҳбатлаша бошлашлари, уларга ашула айтиб ва ҳатто китоб ўқиб беришни одат қилишлари лозим.

5. Ҳар бир штат ота-оналарга ўз фарзандлари учун жамоатчилик мактаби танлаш ҳуқуқини бериши лозим. Бу ҳуқуқ рақобатни ривожлантириш ва янги услубиётларни жорий этишга, пировард оқибатда мактабларда таълим сифатини оширишга хизмат қилади.

6. Мактабларда ўқувчиларни қонунга итоаткор ва интизомли қилиб тарбиялаш.

7. Мактабларни тубдан таъмирлаш. Шу мақсадда яқин тўрт йилда бюджетдан мактабларни таъмирлаш ва янгиларини қуриш учун 5 миллиард доллар ажратилади.

8. Барча америкаликлар учун XXI аср бошида коллежда камида иккқ йил таълим олиш имкониятини яратиб бериш.

9. XXI асрда таълим жараёни инсоннинг бутун умри бўйи давом этишига эришиш. АҚШнинг барча фуқаролари ёшидан қатъи назар янги билим, касб ва ҳунарлар эгаллай олиш имкониятига эга бўлишлари керак.

10.2000 йилга бориб Америкадаги ҳар бир ўқув синфи ва кутубхонасини Интернет тизимига улаш.

Дониёр ЭРКИНОВ.

БУГУНГИ КУН НАФАСИ

МАМЛАКАТИМИЗДА

● Туркия элчиси Умур Апайдин, Португалия элчиси Жозе Пашеко Луиш Гомеш, Финляндия элчиси Тайсто Вейкко Толванен 7 февраль куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовга ишонч ёрлиқларини топширдилар.

● Вазирлар Маҳкамаси «Кичик ва ўрта тадбиркорликни ривожлантириш учун хорижий кредитлар беришни ташкил этиш масалалари тўғрисида» қарор қабул қилди.

● Ўзбекистон билан Ҳиндистон ўртасида маданият, санъат, таълим, оммавий ахборот воситалари соҳасида ҳамкорлик қилиш тўғрисида ҳукуматлараро битим имзоланди.

● Избоскан туманидаги Охунбобоев номли жамоа хўжалиги Луғумбек қишлоғида истиқомат қилувчи Бахтиёр Раззоқовнинг юртимизда амалга оширилаётган ислоҳотлар тўғрисида фикр-мулоҳазалари баён этилган мактубига Президентнинг жавоби ва эсдалик совғаси топширилди.

● Тошкент вилояти Ўрта Чирчиқ туманида Жанубий Корея билан ҳамкорликда ташкил этилган «Тўйтепа—Кобултекстиль» қўшма корхонаси дастлабки маҳсулотлари жўнатилган хорижнинг учта фирмасидан олинган калава сифати учун миннатдорчилик билдирилган мактублар олинди.

● Бугун Ҳамза номидаги театрда Амир Темур таваллудининг 660 йиллигига бағишланган «Наврўз-97» театр фестивали очилди.

ҲАМДЎСТЛИКДА

● Тожикистонда Бахром Садиров жангарилари БМТ, Қизил Хоч ва Россия оммавий ахборот воситалари вакилларидан иборат 15 кишини ҳали ҳам гаровда ушлаб турибдилар. Кеча Кулоб шаҳрида Тожикистон Президенти Имомали Раҳмонов билан Афғонистон раҳбарларидан бири Аҳмад Шоҳ Маъсуд ўртасида гаровга олинганларни озод қилиш тўғрисидаги музокараларда узил-кесил натижага эришилмади. Бугун бу музокаралар давом эттирилиб, унда Тожикистонга келадиган Россиянинг Ҳамдўстлик мамлакатлари бўйича вазири Омон Тулеевнинг ҳам иштирок этиши мўлжалланяпти.

● НАТО Бош котиби Хавьера Салананинг Ҳамдўстлик мамлакатлари бўйлаб ташрифи бошланди. Бугун у Молдовада, кейин Грузия, Озарбайжон ва Арманистонда бўлади.

● Бугун ЮНЕСКО раҳбари Федерико Майор Россияга беш кунлик ташриф билан келади. У Россия раҳбарияти ва маданият, илм-фан маҳкамалари раҳбарлари билан музокаралар ўтказади, турли тадбирларда иштирок этади.

● Қозоғистоннинг бир қатор ҳудудларида ўқитувчилар, кончилар, энергетиклар иш ҳақи ва пенсиялар бўйича қарзлар узилишини талаб қилиб иш ташладилар.

ХОРИЖДА

● Франция Президенти Жак Ширак апрель ойида Парижда НАТОнинг Шарққа кенгайиши ва бу Шимолий Атлантика ҳарбий блокининг Россия билан муносабатларини муҳокама қилиш учун АҚШ, Россия, Германия, Буюк Британия, Франция раҳбарларининг олий даражадаги учрашувини ўтказишни таклиф этди. Бу ташаббус Жак Ширакнинг яқинда Москвага ташрифи пайтида Россия Президенти Борис Ельцин билан келишиб олинган эди.

● Газо секторида Фаластин раҳбари Ёсир Арофат Исроил Бош вазири Бениамин Нетаниаху билан учрашиб, Фаластин мухториятини шакллантириш ҳамда Исроил билан ўзаро муносабатлар юзасидан ўзаро фикр айирбошладилар.

● Перу Президенти Альберто Фукихори Японияннинг Лимадаги элчихонасида ҳали ҳам гаровда ушлаб турилган 70 дан ортиқ кишини озод этиш юзасидан Лондонда Буюк Британия Бош вазири Жон Мейжор билан музокаралар ўтказди. Бугун эса Перу пойтахтида ҳукумат вакилларининг жангарилар билан гаровга олинганларни озод қилиш юзасидан музокаралари бошланиши ҳам кутиляпти.

● Болгарияда ҳукумат танглиги давом этмоқда. Мухолифатчи демократларнинг тазйиқи остида сўнгги сайловларда ғолиб чиққан социалистлар партияси ҳукуматни ўз тарафдорлари томонидан шакллантиришдан воз кечган эди. Демократлар ҳам апрель ойида ўтказилиши мўлжалланаётган муддатидан илгари парламент сайловларигача ҳукуматни ўзлари тузишга рози бўлмадилар.

● Берлинда Ғарбнинг тараққий этган 7 мамлакати молия вазирлари ва миллий банклари раҳбарларининг ўзаро молиявий алоқаларни ривожлантиришга бағишланган учрашуви бўлиб ўтди.

● Ҳиссасига Японияда ишлаб чиқарилаётган автомобилларнинг 50 фоизи тўғри келаётган «Тойота» компанияси барча заводлари тўхтаб қолди. Бунга ушбу компания учун эҳтиёт қисмларни кунма-кун етказиб берадиган «Айсин Сэйки» заводида ёнғин чиқиши сабаб бўлди.

● Шанба куни Норвегия соҳиллари яқинида Польша денгизчилари бошқараётган юк ташувчи кема ҳалокатга учради.Ундаги 20 кишининг ҳаммаси ҳалок бўлган, деб ҳисобланяпти.

«ОҚШОМ»НИНГ УШБУ СОНИДА:

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Болали оилаларни давлат томонидан ижтимоий қўллаб-қувватлашни кучайтириш тўғрисида»ги Фармони республикамизда аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож тоифаларига мўлжалланган самарали ижтимоий қўллаб-қувватлашни кучайтиришга қаратилган янги босқичига асос солди. Шу муносабат билан Меҳнат вазирлигига ва «Оқшом» таҳририятига жойлардан болали оилаларга нафақа тайинлаш хусусида саволлар ва фуқаролардан мурожаатлар келмоқда. Ушбу саҳифадаги Ўзбекистон Республикаси меҳнат вазири Оқил Обидов билан бўлган суҳбатдан ана шу саволларга жавобларни ўқийсиз.

2-БЕТ

Ўзининг 2500 йиллигини нишонлашга тайёргарлик кўраётган Бухоро шаҳри ва Бухоро мулкининг ўн аср олдинги ҳолати қандай бўлган? Машҳур сайёҳ Абу Исҳоқ ал-Истахрийнинг «Йўллар ва мамлакатлар» номли жўғрофий асаридан берилаётган парча ана шу саволга жавоб бўлади, деган умиддамиз.

3-БЕТ

«Нега озгина сабр қилмадим, нега?» деб ўйларди у. — Мана, узоққа кетаркан ҳам, озгина сабр қилганимда ҳаётим изга тушиб кетармиди... Энди нима бўлади? Нима қилиб қўйдим ўзи?»

Ҳаётда юраги хиёнатга учраган аёлнинг изтиробга тўла бу ўйлари, унинг сўнгги пушаймони ҳақидаги мақолани ва бошқа ранг-баранг мавзудаги мақолаларни ўқимоқчи бўлсангиз, шу саҳифага албатта кўз югуртиринг.

4-БЕТ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1996 йил 10 декабрдаги «Болали оилаларни давлат томонидан ижтимоий қўллаб-қувватлашни кучайтириш тўғрисида»ги Фармони республикамизда аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож тоифаларига мўлжалланган самарали ижтимоий қўллаб-қувватлашни кучайтиришга қаратилган янги босқичига асос солди.

Фармон қабул қилинган кундан буён ўтган вақт ичида фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органлари, ҳокимликлар томонидан 16 ёшгача болалари бўлган оилаларга нафақалар тайинлашнинг янги механизмини амалга оширишга тайёргарлик ишлари асосан ташкил қилиб бўлинди. Жойлардан тушаётган сўровларни ҳисобга олган ҳолда ҳамда фуқаролар ўзини ўзи бошқарув органларига амалий ёрдам кўрсатиш мақсадида Меҳнат вазирлиги ва Молия вазирлиги 16 ёшгача болалари бўлган оилаларга нафақа тайинлаш ва тўлашнинг янги механизмининг асосий хусусиятларини ёритиб берувчи ва муҳтож оилаларни аниқлашда юзага келадиган саволларни тўғри ҳал қилиш бўйича тавсияларни ичига олган батафсил Услубий қўлланма ишлаб чиқишди. Бунда фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг раислари ва маҳалла оқсоқоллари билан биргаликда ушбу нафақага муҳтож оилаларни аниқлаш механизми ҳар томонлама муҳокама қилинди, болали оилаларга нафақалар тайинлаш ва тўлаш механизмининг самарадорлигини таъминловчи асосий омиллар ҳисобга олинди, фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органлари орқали кам таъминланган оилаларга моддий ёрдам кўрсатиш бўйича тажрибадан унумли фойдаланилди.

Шу билан бирга ҳозирги кунда Меҳнат вазирлигига ва «Оқшом» таҳририятига жойлардан болали оилаларга нафақа тайинлашнинг янги тизими киритилиши муносабати билан пайдо бўлаётган айрим саволларни тушунтириб беришларини сўраб, фуқаролардан кўплаб мурожаатлар қилинмоқда. Ана шу муносабат билан биз Ўзбекистон Республикаси меҳнат вазири Оқил Обидович ОБИДОВга мурожаат қилиб ундан фуқароларни қизиқтирган саволларга жавоб қайтаришни сўрадик.

— Оқил Обидович, маълумки, болали оилаларга нафақа тайинлашнинг янги тизими киритилиши муносабати билан фуқаролардан кўплаб саволлар ва мактублар тушмоқда. Уларнинг кўпчилиги «Болали оилаларга нафақалар тайинлаш ва тўлаш тартиби нима сабабга кўра ўзгартирилди?» деган савол билан бошланади. Суҳбатимизни ана шу саволга жавобдан бошласак.

— Бугунги кунда республикада ижтимоий адолат принципларига оғишмай амал қиладиган, инсон манфаатларини кўзлаб, боқимандаликни чеклаган ҳолда аҳолининг муҳтож тоифаларига аниқ мўлжалланганлигини таъминловчи ижтимоий ёрдам кўрсатишнинг муҳим йўналиши белгиланган. Унинг маъноси: ижтимоий ёрдам оила орқали кўрсатилиши ва бу ёрдам, фақатгина, ҳақиқатда муҳтожларга мўлжалланган бўлиши лозим.

Иқтисодий ислоҳотларнинг биринчи йилларида, аҳоли бозор муносабатларига кўникаётган вақтда, нархларни эркинлаштиришнинг мураккаб даврини енгилроқ кечириш, истеъмол моллари ва кўрсатиладиган хизматларга доир дотацияларни бекор қилиш, кўпгина корхоналарнинг нобарқарор молиявий аҳволи ўнгланаётган даврда барча болали оилаларга ёрдам кўрсатиш зарур эди. Бугунги кунда бозор иқтисодиётига ўтишнинг мураккаб босқичларидан ўтиб олинди, ишлаб чиқариш ўсишининг барқарорлашуви рўй бермоқда, аксарият фуқаролар бозор муносабатларига муваффақиятли мослашмоқдалар, улар ўз оилаларини мустақил, шахсий фаоллик ҳисобидан иқтисодий фаровонликка олиб келишга қодир эканликларини англамоқдалар. Бундай шароитда барча болали оилаларга, уларнинг муҳтожлигини инобатга олмасдан туриб ёрдам курсатиш зарурати қолмайди. Шу боис, давлат ўзининг саъй-ҳаракатларини мураккаб ўтиш даврида объектив сабабларга кўра ана шу моддий ёрдамдан воз кечишнинг иложи бўлмаган муайян оилаларга мўлжалланган равишда тарқатилишини ва етказиб берилишини таъминлашга қаратади.

— 16 ёшгача болалари бўлган оилаларга нафақалар тайинлаш ва тўлаш янги тизимининг илгари амалда бўлган тизимдан фарқи нимадан иборат?

— Болали оилаларга нафақалар тайинлаш ва тўлаш янги тизимининг энг муҳим фарқи шундан иборатки, 1997 йил 1 январдан бошлаб, оилаларнинг мазкур нафақага муҳтож эканлиги текшириб кўрилади ва у ҳақиқатан ҳам муҳтож бўлган болали оилаларга 6 ой муддатга тайинланади.

Бу муддат тугагандан сўнг, оиланинг ушбу нафақага муҳтожлиги сақланиб қолса ва у жорий тартибда тасдиқланса, нафақа тўлаш давом эттирилиши мумкин.

Яна бошқа принципиал фарқи шундан иборатки, болали оилаларга нафақалар тайинлаш ва тўлаш янги механизми нафақаларни фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари йиғинлари томонидан тайинланишини кўзда тутади. Фуқаролар йиғинлари халқнинг ишончига сазоворлиги, тарихий қадриятларга асосланган ижтимоий адолатни чуқур ҳис қилиши билан ажралиб туради ва қайси оила қандай сабабларга кўра нафақа олишга муҳтож эканлигини яхши аниқлай бера олади.

Шуни алоҳида таъкидламоқ зарурки, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари болали оилаларга нафақалар тўлаш тизимини тубдан ўзгартириш ташаббуси билан чиқдилар. Чунки, болали оилаларга моддий ёрдам бериш хусусида илгари амалда мавжуд бўлган ва оилаларнинг нафақага муҳтожлиги ёки муҳтож эмаслигидан қатъий назар барча оилаларга нафақа тўлашни таъминлайдиган тизим ҳаёт талабларига мос келмас, тенг тақсимлаш характерига эга эканлиги туфайли фуқароларнинг айрим қисми ўртасида боқимандачилик кайфиятларини суғуриб ташлашга кўмаклашмас эди.

Нафақалар тайинлаш ва тўлашнинг янги тизимининг яна бир аҳамиятга молик томони шундан иборатки, юқори таъминланган оилаларга берилмайдиган маблағларни муҳтож оилаларга қайта тақсимлаб чиқиш эвазига муҳтож бўлган болали оилаларга тўланадиган нафақаларнинг мутлақ миқдорини амалдагига нисбатан деярли 25 фоизга ошириш имконияти туғилди.

Таъбир жоизки, биз болали оилаларга давлат томонидан кўрсатиладиган ижтимоий ёрдамнинг янги механизмини ишлаб чиқаётганимизда болалар нафақаларини беришга доир чет эл мамлакатларининг илғор тажрибаларини таҳлил қилдик. Аксарият мамлакатларда (туғилишни кўпайтириш долзарб муаммоси олдида турган мамлакатлар бундан мустасно) нафақа танлов орқали, яъни, синчковлик билан, баъзан эса оила даромадларини қатъий текширгандан сўнг, ҳақиқатан ҳам унга муҳтож бўлган оилаларгагина тайинланади.

— Муҳтож оилага нафақа миқдори қандай аниқланади?

— Нафақа миқдорини аниқлаш принципи олдингисича қолади. Яъни, нафақа миқдори оиладаги болалар сонига қараб, энг кам иш ҳақидан фоиз нисбатида белгиланади. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони билан белгиланган нафақаларнинг янги миқдорлари қуйидагича:

1 та боласи бўлган оилалар учун — энг кам иш ҳақининг 50 фоизи;

2 та болали оилалар учун — 100 фоиз;

3 та болали оилалар учун — 140 фоиз;

4 та ва ундан кўпроқ болали оилалар учун — 175 фоиз.

— Агар битта фуқаролар йиғинида юридик шахс мақомига эга бўлмаган бир нечта алоҳида маҳалла қўмиталари (маҳалла фуқаролари йиғинлари) мавжуд бўлса, нафақалар тайинлашни ким амалга оширмоғи лозим?

— 16 ёшгача болалари бўлган оилаларга нафақалар тайинлаш ва тўлаш тўғрисидаги Низомнинг 2-бандига мувофиқ, нафақалар тайинлаш тўғрисидаги қарор фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг йиғини томонидан қабул қилинади. Бироқ юридик шахс мақомига эга бўлмаган ўзини ўзи бошқариш органлари молиявий ҳужжатларни (тўлов варақалари, тўлов топшириқларини) жорий тартибда расмийлаштира олмайдилар ва шу боис ўзларининг махсус ҳисоб рақамлари (счетлари)га эга эмасдирлар. Вазифаларнинг ушбу қисмини ҳудудларида фуқароларнинг мазкур ўзини ўзи бошқариш органлари жойлашган фуқаролар йиғинлари амалга оширадилар.

Амалда бу қуйидагича бўлади: фуқаролар ўзлари истиқомат қилаётган жойлардаги маҳалла қўмиталарига нафақалар тайинлаш тўғрисидаги аризаларни ва тегишли маълумотномаларни тақдим қиладилар.

Айнан шу маҳаллада ташкил қилинган комиссия оиланинг даромадларини ва мулкий аҳволини текширишни амалга оширади ва ўзининг тавсияларини фуқаролар йиғинига тақдим қилади. Фуқаролар йиғинида тавсия қилинган ҳужжатлар муҳокама қилиниб, нафақа тайинлаш ёки уни тайинлашни рад қилиш тўғрисида қарор қабул қилинади. Шундан сўнг, фуқаролар йиғини қарорининг мажлис баённомаси мазкур фуқаролар йиғини ҳудудида жойлашган фуқаролар йиғинига тақдим қилинади ва ушбу мажлис баённомаси асосида нафақа тайинланган оилаларга нафақа олиш учун тўлов варақаси тузилиб, Халқ банкининг тегишли бўлимига йўлланади.

1997 — Инсон манфаатлари йили

ЭНГ МУҲИМИ — ИЖТИМОИЙ АДОЛАТ

Шуниси жуда муҳимки, юридик шахс мақомига эга бўлган йирик йиғин ҳудудида жойлашган барча фуқаро йиғинлари нафақага муҳтож оилаларни аниқлашдаги ягона мезондан фойдаланмоқлари зарур. Ушбу мақсадларда бу фуқаролар йиғинига кирадиган маҳалла вакиллари қатнашаётган мазкур фуқаролар йиғини нафақалар тайинлаш бўйича ягона мезонларни ишлаб чиқади. Ушбу масалани ҳал қилишда фуқаролар йиғини оқсоқоли, унинг маслаҳатчилари ва биржа ходими қатнашувидаги фуқаролар йиғини мазкур ҳудудда жойлашган барча маҳаллаларда бир хилда ёндошишга амал қилишни таъминламоқлари зарур.

Ишнинг бу йўсинда ташкил қилиниши Халқ банкининг бўлимларида махсус счетлари бўлмаган ва юридик шахс мақомини олмаган фуқаролар йиғинларигагина тааллуқлидир. Мустақил юридик шахс мақомига эга бўлган фуқаролар йиғинлари нафақа тайинлаш ва фуқароларнинг нафақа олишлари учун зарур бўлган молиявий ҳужжатларни расмийлаштиришни мустақил равишда амалга оширадилар. Уларнинг махсус счетларига маблағлар туман молия органлари томонидан алоҳида ўтказилади.

— Фуқароларнинг умумий йиғинини йиғиш мажбурийми ёки нафақалар тайинлаш масалаларини вакиллар йиғини орқали ҳал қилиш мумкинми?

— Амалда фуқароларнинг умумий йиғинини йиғиш имконияти ҳар доим бўлавермайди, айниқса, бу ҳол кўп сонли фуқаролар истиқомат қилаётган маҳаллаларга тааллуқлидир. Шу боис, Ўзбекистон Республикасининг «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги Қонунида фуқаролар йиғинлари вазифалари доирасига кирадиган масалаларни кўчалар, уйлар, маҳаллалар, шаҳарчалар, қишлоқлар, овуллардан вакилларни йиғиб, ҳал қилиш масалалари кўзда тутилган. Вакилларнинг йиғилишини ўтказишда қатнашадиган вакиллар меъёрини ҳокимлик белгилайди.

Фуқароларнинг умумий йиғини ёки вакилларнинг йиғилиши ўтказилишидан қатъий назар нафақа тайинлаш юзасидан ариза билан мурожаат қилган шахснинг уларга қатнашуви мажбурийдир.

— Фуқаролар йиғинларини ўтказиш даврийлиги қандай?

— Нафақа тайинлашнинг ўзига хос хусусиятиларини, шунингдек, болали оилаларга нафақа тайинлашнинг пайсалга солиниши муҳтож оилаларнинг моддий аҳволига салбий таъсир кўрсатишини эътиборга олиб фуқаролар йиғинини, айниқса, биринчи ойларда, камида бир ойда бир марта — одатда, ойнинг охирги кунларида ўтказилади. Фуқаролар йиғинини ўтказиш учун белгиланган муддатгача, нафақа олиш учун ариза билан мурожаат қилган фуқароларнинг рўйхатлари тузилган бўлиши, уларнинг даромади ва мулкий аҳволи текширилган бўлиши керак.

— Ариза бевосита фуқаролар йиғинини ўтказиш арафасида берилса ва комиссия оиланинг даромадларини ва мулкий аҳволини текширишга улгурмаса, бу ҳолда нима қилмоқ керак?

— 16 ёшгача болалари бўлган оилаларга нафақалар тайинлаш ва тўлаш тўғрисидаги Низомга мувофиқ, оиланинг даромадлари ва мулкий аҳволи текшириб кўрилгандан сўнг, нафақа фақат фуқаролар йиғининнинг қарори билан тайинланади. Фуқаролар йиғини ўтказиладиган кунгача текшириш амалга оширилмаса, мазкур оилага нафақалар тайинлаш масаласи яқин орада ўтказиладиган навбатдаги фуқаролар йиғинига кўчирилади. Ушбу оилага нафақа фуқаролар йиғини ўтказилгандан кейинги навбатдаги ойдан бошлаб тайинланади.

— Муҳтож оилаларни аниқлаш учун мезонни тўғри белгилаш қандай амалга оширилади?

— Низомнинг 19-бандига мувофиқ, фуқаролар ўзини ўзи бошқарув органи 16 ёшгача болалари бўлган оилаларни нафақа олишга муҳтож деб тан олиш мезонини мустақил равишда белгилайди.

Асосий мезон сифатида шундай даромад миқдори олиниши керакки, оиланинг умумий даромад миқдори ундан паст бўлса, оила нафақа олиш ҳуқуқига эга бўлади.

Шу билан биргаликда нафақа тайинлаш мезонининг юқори даражада белгиланиши маблағнинг етмай қолишига олиб келиши ёки мезоннинг ҳаддан ташқари паст белгиланиши эса ҳақиқатда муҳтож оилаларга бу нафақани тайинлашда рад қилинишига олиб келиши мумкин. Нафақа белгиланиши мумкин бўлган мезонни белгилашда мавжуд ва тўлашга мўлжалланган барча молиявий маблағлар миқдорини ҳисобга олган ҳолда ҳамда болали оилаларнинг нафақага бўлган эҳтиёжини ва оиладаги болаларнинг сонини инобатга олиш зарур.

Фуқаролар йиғинига мурожаат қилган болали оилаларга тўланадиган нафақа маблағларининг етмай қолишига йўл қўймаслик мақсадида, дастлабки 2-3 ой давомида фуқаролар томонидан фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органига кўп ариза тушишини ҳисобга олган ҳолда, биринчи ой учун нафақа тайинлашнинг мезонини: нафақа, оиланинг ҳар бир аъзосига тўғри келадиган даромади ўрнатилган энг кам иш ҳақи миқдоридан кам бўлган нафақа олишга даъвогар барча оилаларга тайинланишини белгилаб олиш тавсия қилинади. Кейинги ойларда, агар нафақа тайинлашларини сўраб мурожаат қилувчи оилалардан тушаётган аризалар камайиб борган ва юқорида тавсия қилинган амалда иш олиб бориш натижасида фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органининг махсус ҳисоб рақамида маблағ бир хил меъёрдан ортиб қолаётган бўлса, у ҳолда болали оилаларга нафақа тайинлаш мезонини энг кам иш ҳақининг 1,5 баравари миқдори даражасигача аста-секин кўтариш мумкин. Бунда, тушган аризалар ва аризачиларнинг даромадлари ҳақида маълумотларнинг тахлилидан келиб чиқиб, шу бугуннинг ўзида айтиш мумкинки, нафақа тайинлаш мезонини кўпгина қишлоқ ҳудудларида энг кам иш ҳақи миқдори даражасида, ишлаб чиқариш қуввати кучли, фуқароларнинг ўртача даромади баландроқ бўлган йирик шаҳарларда эса, агар пул маблағлари етарли бўлса, оиланинг ҳар бир аъзосига тўғри келадиган даромадини энг кам иш ҳақининг 1,5 баравридан ортмаган ҳолда кўтариш мумкин.

— Оиланинг ишлайдиган ва бошқа айрим аъзолари ҳар хил даромадга эга, бундай шароитда уларнинг аниқ бир муддат давомидаги даромадлари қандай ҳисобга олинади?

— Фуқароларнинг, айниқса, ойлик маошлари ҳар ойда аванс билан тўланиб, иш ҳақларининг тўлиқ ҳисоб-китоблари йил якунлари бўйича қилинадиган жамоа хўжаликларининг ишчи-хизматчилари ҳамда мунтазам бўлмаган мўмай даромад олувчи тадбиркорларнинг ўзгариб турадиган даромадларини ҳисоблашда фуқаронинг ариза берган кундан аввалги 12 ой давомидаги даромадини ҳисобга олиш тавсия қилинади. Бунда даромадларни ўрнатилган мезон даражаси билан таққослаш имкониятини таъминлаш мақсадида оиланинг умумий даромадининг ўртача миқдорини ва умумий даромадни ҳисоблаш учун олинган даврдаги энг кам иш ҳақининг ўртача қийматини олиш лозим. Масалан, январь ойида ариза бериб, даромадлари тўғрисидаги маълумотномани 1996 йилнинг январидан декабригача бўлган даврга тақдим қилган оилалар учун энг кам иш ҳақининг, оиланинг ҳар бир аъзосига тўғри келадиган умумий даромадига таққослаш учун олинадиган ўртача қиймати 417 сўмни ташкил қилади. Бошқача айтганда, агар оиланинг ҳар бир аъзосига тўғри келадиган умумий даромаднинг ўртача миқдори энг кам иш ҳақининг ўртача миқдоридан паст бўлса, у ҳолда оила нафақа олишга муҳтож деб ҳисобланиши лозим.

Бу ерда яна бир «нозик ҳолат»ни айтиб ўтиш лозим. Баъзан тақдим қилинган ҳужжатларда — иш ҳақи олмаганлиги ёки олган бўлсада жуда кичик миқдорда олганлиги туфайли оиланинг кам даромадга эга эканлиги тўғрисида нотўғри маълумот акс эттирилган бўлиб, аслида ушбу оиланинг моддий аҳволи анча юқори — енгил автомобили, дала ҳовлиси борлиги, тез-тез қимматбаҳо моллар ва зебу зийнатлар сотиб олиши мумкин. Айни шунга ўхшаш оилалар масаласида маҳалла — фуқаролар йиғининнинг ҳурматли оқсоқоллари ва махсус тузилган комиссия ўзларининг қатъий сўзларини айтишлари лозим.

Улар оиланинг нафақага муҳтож эканлигини ёки унинг, мол олиб сотиш (даллолчилик), автомашинасида киракашлик қилиш, қўшимча ишда ишлаш (2 та, 3 та ишда ишлаш, хусусий шахсларда ёлланиб ишлаш) фаолияти орқали даромадини ошириш учун қўшимча манбаларга эга эканлигини, ҳудуддаги ҳар бир оила қандай ва нима эвазига яшаётганлигини ўзларининг бой ҳаётий тажрибалари, билимлари асосида белгилашлари зарур.

— Ўзбекистонда азалдан биргалашиб, яъни ота-оналар ва уларнинг фарзандлари оилалари билан ва қатор яқин қариндошлар биргаликда бир уйда (ҳовлида) яшаётган оилалар, бошқача айтганда «мураккаб оилалар» кўпчиликни ташкил қилади. Болали оилаларга нафақа тайинлашда бу ҳолатни қай усулда ҳисобга олиш керак?

— Дарҳақиқат, битта уйда 16 ёшгача болалари бўлган бир неча оила яшаб туриши ҳолатлари тез-тез учраб туради. Бундай ҳолларда, битта уйда яшовчи оилаларнинг ҳаммаси ҳам нафақа олиш учун даъвогар бўлмаслигини инобатга олган ҳолда, оиланинг нафақага муҳтожлигини аниқлаш учун ҳар бир оилани болалари билан бирга алоҳида ҳисобга олиш зарур.

Оиланинг нафақа олишга муҳтож эканлигини аниқлашда оила аъзоларини ҳисобга олиш анча «нозик» масала. Шунинг учун бу масалада ҳар доим ҳам оиланинг ҳар бир аъзосининг расмий бандлигидан келиб чиқиб қарор қабул қилиш тавсия қилинмайди. Бу ерда, ижтимоий адолат принципларига амал қилиш ва айрим оилаларга нисбатан айрича муносабатда бўлмасликни таъминлаш мақсадида, фақатгина ҳар бир оиланинг каму кўстини биладиган фуқаролар йиғини ва маҳалла оқсоқолларигина оиланинг қайси аъзосини ҳисобга олиш ёки оиланинг умумий даромадини тақсимлашда унинг қайси аъзосини оила таркибида ҳисобга олмаслик керак деган саволга дадил жавоб беришлари мумкин.

— Бир фуқаролар йиғинида расман рўйхатда туриб, аммо бошқа фуқаролар йиғини ҳудудида яшовчи оилаларга нафақа тайинланиши мумкинми?

— 16 ёшгача болалари бўлган оилаларга нафақа тайинлаш ва тўлаш тўғрисида Низомнинг 11-бандига мувофиқ нафақа фақатгина муқим бир фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органи ҳудудида яшовчи оилага тайинланади. Шунинг учун, агарда оила яшаб турган жойида вақтинча, рўйхатдан ўтмасдан (прописксасиз) турган бўлса, у ҳолда бу оилага нафақа тайинланмайди.

— Фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органлари олдида катта ишлар турибди. Давлат органлари томонидан уларга қандай амалий ёрдам кўрсатилади?

— Фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларига амалий ёрдам кўрсатишни ташкил қилиш ҳукумат қарори билан Ўзбекистон Республикаси Меҳнат вазирлигига ва унинг жойлардаги органларига юклатилган. Шу бугуннинг ўзида ҳар бир фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларига туман (шаҳар) меҳнат биржасининг масъул ходимлари бириктирилган. Ушбу масъул ходимнинг асосий вазифалари қилиб: ўзига бириктирилган ҳудуддаги фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига болали оилаларга нафақалар ва кам таъминланган оилаларга моддий ёрдам тайинлаш ва тўлаш, болали ва кам таъминланган оилаларни ижтимоий қўллаб-қувватлашга доир ўрнатилган тартибни оғишмай бажариш ва бажарилишини назорат қилиш, нафақалар ва моддий ёрдамга муҳтож оилаларни аниқлайдиган махсус комиссияларнинг ишида қатнашиш, болали оилалар ва кам таъминланган оилаларга нафақалар ва моддий ёрдам тайинлаш ва тўлаш учун мўлжалланган маблағлардан мақсадли фойдаланиш бўйича назорат қилиш ҳамда оила аъзоларининг даромадлари тўғрисида тақдим қилинган маълумотларнинг тўғри эканлигини текширишлар юклатилган. Масъул ходим фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органи билан мунтазам равишда алоқада бўлиб, нафақа тайинлаш ва тўлаш ишларининг барчасида иштирок этади ва қўшимча қилиб айтиш мумкинки, фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг кўпчилигида меҳнат биржасининг бундай ходимлари учун алоҳида иш жойлари ажратилган.

Бундан ташқари, Меҳнат вазирлигининг мутахассислари жойларга чиқиб, болали оилаларга нафақалар тайинлаш ва тўлаш янги тизимини татбиқ қилиш юзасидан маслаҳатлар беришмоқда ва амалий ёрдам кўрсатишмоқда. Ҳар бир туман ва шаҳарга Меҳнат вазирлигининг ҳамда вилоятлар меҳнат бошқармаларининг ва туман (шаҳар) меҳнат бўлимларининг ходимлари бириктириб қўйилган.

Оилаларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш масалалари бўйича пайдо бўлаётган саволлар билан Ўзбекистон Республикаси Меҳнат вазирлигининг «Оилаларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш» бўлимига мурожаат қилиш мумкин. Телефонлар: 41-76-25, 44-16-90, 44-05-03.

Суратли ахборот

МАҲСУЛОТ СИФАТИ ЖОНКУЯРЛАРИ

Кейинги вақтда қадоқланиши ихчам ва чиройли, лекин усти ялтироқ, ичи қалтироқ печенье, шоколадлар кўпчиликнинг ташвишини орттириб қўймоқда. Шу боисдан ҳам Ўзбекистон давлат стандарти бош бошқармаси бўлинмалари мутахассислари назоратни кескин кучайтириб, жойларда қўшма рейдлар ўтказишмоқда.

— Биз амалга ошираётган ишлар жараёнида, нафақат четдан келтирилаётган маҳсулотлар, балки юртимизда ишлаб чиқарилиб экспорт қилиниши керак бўлган баъзи товарларнинг талабга жавоб бермаслиги аниқланмоқда, — дейди бошқарманинг маҳсулот сифатини белгилаш лабораторияси бўлими мудири, биология фанлари номзоди Ақида Усмонхўжаева. — Шуниси ажабланарлики, айрим фуқаролар қўлларида аллақандай рухсатномалар (лицензия) билан инсон саломатлиги учун хавфли бўлган маҳсулотларни сотишгача бориб етишмоқда. Шу боисдан лабораториямиз ходимлари имкон қадар истеъмол учун керакли барча маҳсулотларни назоратдан ўтказмоқдалар. Сўнг ҳар бир ишлаб чиқариш корхонаси, фирма ёки шахс учун сертификатлар олишга рухсат берадилар. Бизнинг хулосаларимизга қараб бошқарма томонидан маҳсулот учун сертификат ёзиб берилади.

Кейинги вақтда Тошкент автомобиль транспорти йўллари институти мутасаддилари билан автомашиналар учун мойлар ва ёқилғиларни назоратдан ўтказмоқдамиз. Назоратдан ўтказиш лабораториясининг хулосаларига кўра автомашиналарга керакли мойлар ва ёқилғилар сифатсиз чиқса уни истеъмолга, яъни транспорт воситаларида ишлатишга рухсат берилмайди. Чунки улар гўзал табиатимизни ифлослантириб, инсон саломатлигига зарар етказади.

Ҳозирги кунда шаҳримизда бошқармамизга қарашли 20 та орган ва 51 та лаборатория фаолият кўрсатиб турибди. Мана шу органларнинг инспекторлари, лабораторияларнинг муҳандислари томонидан берилган хулосаларга кўра маҳсулотларга бошқарма мутахассислари сертификат ёзиб беришади.

Гули АБДУЛЛАЕВА.

СУРАТЛАРДА: маҳсулотнинг сифатини белгилаш лабораториясида иш жараёни тасвирланган. (Юқорида чапдан) муҳандис М. Баягина, мудир Ақида Усмонхўжаева, муҳандис Умида Мусаева; (пастда чапдан) муҳандислар Пария Рўзиева, Муяссар Усмонова ва Васила Абдуллаевалар иш устида.

Рашид Галиев олган суратлар.

Шаҳримизда автобус хизматига бўлган талаб ва эҳтиёж ортиб бориши кун сайин кўзга ташланмоқда. Хўш, шундай экан хизмат кўрсатиш маданиятини ошириш мақсадида шаҳримиздаги йирик автокорхоналарда қандай тадбир ва режалар амалга оширилмоқда? Ана шу саволга жавоб олиш учун 2519-автокорхона бош муҳандиси Абдураҳмон Файзуллаевга бир неча саволлар билан мурожаат қилдик.

— Абдураҳмон ака, корхона ва унинг жамоаси иш фаолияти билан таништирсангиз.

— 22 йил муқаддам бу ерлар ўнқир-чўнқир, пастқам ва дўнг жойлардан иборат эди. Инсон қўли гул деб бежиз айтилмаган. Жамоатчиликка таянган ҳолда автокорхона саройи қисқа муддат ичида қуриб битказилди. Ҳозирда 155 та турли русумдаги автобусларга эгамиз. Шулардан ҳар куни 100-102 таси 8 йўналиш бўйлаб чиқиб шаҳримиз йўловчиларини марказ билан боғлайди, 12 та автобусимиз эса буюртма асосида хизмат кўрсатади.

Излаган имкон топади

НИЯТ АНИҚ БЎЛГАЧ

Турли миллат вакилларидан таркиб топган 271 ҳайдовчи аҳолига намунали хизмат кўрсатиш йўлида ички имкониятлардан тўлиқ фойдаланмоқда. Алижон Алимов, Мирсаид Мираҳмедов бошлиқ автосаф ҳайдовчилари ҳамиша изланишда. Уларга автокорхона тасарруф бўлими бошлиғи Равшан Нурмуҳамедов ҳамиша бош-қош. Бу фидокор йигит касб маҳоратини тинмай ошириб боради, ҳайдовчилардан ҳам шуни талаб қилади.

— Техниканинг мукаммал ишлаши биринчи навбатда чилангарларнинг меҳнатига боғлиқ. Шундай экан, уларнинг жамоада тутган ўрни ҳақида бироз тўхтаб ўтсангиз.

— Жамоамизда 89 та тажрибали чилангар бўлиб, улар 9 та бригадага бўлишган. Машиналарни сифатли таъмирлаш, юриш кафолати муддатини узайтириш, меҳнат интизомига қатъий амал қилиш уларнинг кундалик иш дастуридан ўрин олган. Бу борада Султон Раҳимов, Алижон Саидаҳмедов, Владимир Христов, Тошпўлат Шамсиддинов, Абдужалил Мусаев, Яков Чен, Фахриддин Оловиддиновларнинг номларини фахр билан тилга олиш мумкин. Улар бозор иқтисодиётига ўтиш даврида қийинчиликларни енгишда корхонага яқиндан ёрдам беришмоқда. Изланишлар туфайли машиналарнинг баъзи эҳтиёт қисмларини шу сарой устахонасида ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.

Ишлаб чиқариш бўлими бошлиғи Улуғбек Назаров ҳам техника фидойиси. Автобусларнинг пишиқ ва мустаҳкам созлиги унинг зиммасига юклатилган. У бир фойдали ишга ёпишдими, охирига олиб бормагунча кўнгли ўрнига тушмайди, ҳар қандай носозликни бартараф этиш чораларини излайди, малакали чилангарларнинг иш тажрибасидан унумли фойдаланишни одат қилиб олган. Жамоамизда шундай фидойилар бўлишидан фахрланамиз.

— Ойлик режалар қандай бажариляпти?

— Ўтган йилнинг 12 ойи мобайнида 6794,1 чақиримдан ортиқ йўл босилиб, 80 мингдан зиёд киши манзилини яқин қилдик. 21,105,129-йўналиш ҳайдовчилари ўзаро меҳнат беллашувида карвонбошиликни қўлдан беришмади. Сафимизга қўшилган 38 та ёш ҳайдовчи ҳам илғорлар сафини тўлдиришди.

Жамоада машъал ҳайдовчиларнинг бўлиши катта куч албатта. Бунга мисол тариқасида 4-йўналиш ҳайдовчиси Темур Исабековни киритиш мумкин. Бу чапдаст ҳайдовчи бир иш кунида 256-260 чақирим йўлни бехатар босиб ўтмоқда.

24-йўналиш ҳайдовчиси Қобил Асилов ҳам шундайлардан. Шунинг учун бу малакали ҳайдовчига «Мерседес — Бенц» русумли автобус ишониб топширилди. Йўловчилар билан хушфеъл бўлиш, ўзига бириктирилган автобусни авайлаб ишлатиш унинг кундалик фаолиятидан мустаҳкам ўрин олган. Тажрибали ҳайдовчи ҳар ойда 5000 чақирим йўлни бехатар босиб ҳамкасбларига ибрат бўлмоқда. Унинг жами босиб ўтган йўллари деярли ярим миллион чақиримга тенг. Шунингдек Баҳодир Мақсудов, Комил Зоҳидов, Иван Саврадим, Баҳодир Турсунов, Александр Прояновскийлар ҳам ўз касбининг ҳақиқий усталари. Улар ёш ҳайдовчиларга касб маҳоратини оширишда сидқидилдан ёрдамларини аямайдилар.

Бу йилги режаларимиз ҳам юксак. Биринчидан, корхонамиз ишлаб чиқаришини янги техникалар билан бойитмоқчимиз. Иккинчидан, бизга ишониб топширилган машиналардан унумли фойдаланиб ҳамшаҳарларимизга юксак даражада маданий хизмат кўрсатишни дилимизга тугиб қўйганмиз.

Маҳмуд ОРИПОВ.

Абу Исҳоқ Иброҳим бин Муҳаммад ал-Истахрий-ал-Форсий (951 йилда вафот этган) машҳур сайёҳлардан саналади. X асрнинг ўрталарида у Мовароуннаҳрга сафар қилиб «Масолик ва мамолик» («Йўллар ва мамлакатлар») номли жўғрофий асарини ёзади. Асар катта шуҳрат қозонади.

Ал-Истахрий асаридан Абулқосим ибн Хавкал фойдаланиб «Китоб сурати ул-арз» («Ер юзи суратининг китоби») асарини ёзади. XII асрда яшаган олим ва сайёҳлар ал-Идрисий ва Ёқут ал-Ҳамавий ҳам Истахрий асаридан манба сифатида фойдаланганлар.

Айни кунларда ҳам Истахрийнинг маълумотлари ўз аҳамиятини йўқотган эмас. Бухоро ва Бухоро мулкининг ўн аср олдинги ҳолати «Оқшом» муштарийлари диққатига манзур бўлади деб ўйлаб Истахрий маълумотларини ўзбек тилига илк бор таржима қилишга жазм этдик.

Бухоронинг 2500 йиллиги олдидан

Абу Исҳоқ ал-Истахрий

ЙЎЛЛАР ВА МАМЛАКАТЛАР

(Саёҳат китобидан парча)

Жайҳун (Аму) томонида бўлган мавзелар қуйидагича: биринчи Мовароуннаҳрнинг Бухоро ерларидан бошлаймиз. Бу амирликнинг пойтахти ҳамиша Бухоро бўлган. Бухорони Бумжикат дерлар. Азим бир шаҳардир, уйлари ёғочдан бўлиб, қасрлари, боғу бўстонлари бир-бирига яқин жойлашган. Қишлоқлари ҳам бир-бирига шунча яқинки, боғлари қўшилиб кетган. Масоҳати 12 фарсах келади. Шаҳар атрофи девор билан ўраб олинган. Бу деворнинг бирор жойи бузилганлигини ёки вайрон бўлганлигини кўрмайсиз. Қишин-ёзин одамлар шу қасабада яшайдилар. Шу девор ичида ярим фарсанг келадиган яна бир девор бор. Шу девор ичида шаҳар жойлашган. Шаҳар ташқарисида бир куҳандиз бор. Бухоронинг бир неча майда шаҳар ва қалъалари бор. Сомонийлар сулоласи Хуросонда волий бўлганларида шу куҳандизда муқим эрдилар. Куҳандизда работ бор. Жумъа масжидлари Куҳандиз дарбозасининг олдидадир. Бозорлар работда жойлашган. Хуросон ва Мовароуннаҳрда Бухородан нуфузли шаҳар йўқ. Сўғд руди (анҳори) шаҳар ичидан оқиб, тегирмонлар ва ерларни суғориб, Байканд (Пойкент) сарҳадигача боради. Сувнинг ортиқчаси Байканд яқинидаги Сом косаси деган кўлга тушади.

Бухоронинг етти дари — дарвозаси бор. Биринчисини Дари Шористон дейдилар. Иккинчисини Дари Нур, учинчи дарвоза Дари Канда, тўртинчиси Дари Оҳанин, бешинчиси Дари Куҳандиз, олтинчиси Дарвозаи Меҳр (буни Бани Асад дарвозаси ҳам дейдилар) ва еттинчиси Суғдиён дарвозаси.

Куҳандизда иккита дарвоза бор: Регистон дари ва Масжиди Одина (Жомеъ масжиди). Работнинг ҳам бир нечта дарвозаси мавжуд. Биринчи Дари майдон Хуросон тарафига очилур. Дарвозаи Иброҳим машриқ (Шарқ)қа очилур. Ҳадиқ дарвозаси Марди Қаша дарвозаси, Гулобод ва Навбаҳор дарвозалари, Самарқанд дарвозаси, Ромсина ва Хоразм йўлида Ҳадди Шарун дарвозаси, Дари Густ. Работ ўртасида бозор ва дарвозалар бор: Дари Оҳанин ва Пули Ҳисон дарвозаси. Икки дарвоза Моҳ масжидига қараган. Бу икки дарвоза ўртасида Раҳба дари деган дарвоза бор. Абу Ҳошим қасри ёнида ҳам бир дарвоза бор, Пули бозорак (Бозорча кўприги) яқинида ҳам дарвоза мавжуд, яна Форжак, Куйи Муғон ва Самарқанд дарвозаси ҳам мавжуд.

Шористон ва Куҳандиз ўртасида ҳеч қандай оқар сув йўқ. Сувни Руди бузург (анҳор)дан оладилар. Шу руддан бошқа анҳорлар бошланади. Бири Руди Фасурда (кўҳна анҳор), ундан Бухоро руди сув олади. Варъдан ўтиб бу сув Марди Қаша дарвозаси ҳудудларигача оқиб, Иброҳим ерларини ҳам суғоради. Шу ердан Шайх Абулфазл дарвозасигача бориб, Руди Навкандага тушади. Қарийб икки минг ҳовли ва бўстонлар шу сувдан суғорилади. Узунлиги ярим фарсанг келади.

Бошқа руд Бақаровон номли масжид яқинидан оқади. Учинчи руд масжиди Ориздан бошланади. Навкандага тушади. Буни Жуйбори Ориз (Ориз ариқлари) дейдилар. Бошқа рудни Барканд деб атаганлар. У работнинг бир қисмини суғориб, навкандага тушади. Навканда анҳори Руди бузургдан сув олади. Саройи Ҳамдуна ва работнинг бир қисми шу сувдан фойдаланадилар.

Руди Осиё (Тегирмон анҳори) Руди Бузургдан бошланади. Навбаҳорнинг ерлари ва тегирмонларидан ўтиб, Байканднинг замин ва тегирмонларигача етади, уларни суғоради.Қутайба руди ҳам Навбаҳор яқинидан бошланиб, боғу бўстон ва ҳовлиларни суғориб, Қутайбадан ҳам ўтиб, Форонмарғгача боради.

Руди Рибоҳ Руди Бузургдан бошланар, Регистон ва Рибоҳ қасригача оқиб, мингдан ортиқ боғу бўстон ва ҳовлиларни суғорар.

Регистон руди (наҳри) Регистондан бошланиб, шу ердан Жалолдиза ҳовлиларигача боради. Пули Ҳамдуна (Ҳамдуна кўприги) яқинида бир руд (анҳор) ер остидан оқади ва Бани Асад ҳовузларигача етиб, шу ҳовузларни сув билан таъминлаб, охири Куҳандиздан ҳам оқиб ўтади.

Яна бир дарё мавжудки, Руди Бузургдан ҳам катта. У Варъ мавзеида. Дарвозаи Раҳба ерларидан ўтиб, Самарқанд дарвозасигача оқади, у ердан Сапедмосага тушади. Узунлиги бир фарсанг келади.

(Бухоро) қишлоқлари: Фарғона, Даруфар, Тавовис қишлоғи, Бурақ, Пастки Фарғона, Бухоржамр Кохиштувон қишлоғи, Андидон (Андиёр), Кандумон, Момжари модун, Сомжари Модун, Сомжари Мовароуннаҳр, Фаровар, Арвон, Фаровари Улё (юқори Фаровар). Бу ноҳиялар (шаҳар) деворининг ичида. Девордан ташқарида: Жиза, Шобахш, Ясир, Кармина ноҳияси, Фарғонаи улё (юқори Фарғона), Романд, Байканд, Фарбар жойлашган.

Сўғд дарёсига Амудан (параллел) Бухоро деворининг ташқарисида Тавовис ноҳиялари мавжуд. Шу ердан кўп анҳорлар бошланиб, қишлоқлар, марз ва ҳовлиларга боради. Шулардан бири Софариком (Шофирком) анҳоридирки, Вардонагача ҳамма ноҳияларни суғоради, Журъ руд эса бошқа қисмини суғориб, Хармисангача боради. Жаръ руд шу ноҳия (Хармисан)ни суғоради. Ортиқча суви Бузургрудга боради. Навканда анҳори Фарғона қишлоғигача етади. Фарахшаруд (Варахша) ноҳиясига сув етказади. Ромисна анҳори, Фаровар ул-улё анҳори Ҳомагача боради. Байнкон руд Навбоғи мир (Мир янги боғи)гача боради. Шу анҳорларнинг ҳар бири девордан ташқарида жойлашган бир ноҳияни суғоради. Қолган сув Бухоро ичига кириб кетади. Юқорида айтилган анҳорлар шу сувдан бошланади. Руди Сўғддан бошланган анҳор ва ариқлар (аксаран) шу дарёга келиб тушади, Сўғд анҳорида кема билан сузадилар. Бухоро деворида, айтганимиздек, 12 та дарвоза бор.

Тоғ ва чўллар Бухорода йўқ. Ҳаммаси куҳандиз, кўшк, қишлоғу боғ, бўстонлар, экинзор ва мевали жойлардан иборат. Ўтинларни боғларидан оладилар. Ташқаридан ҳам ўтин олиб келадилар. Сўғд ва Бухоро ерлари сувга яқин жойлашган, шу сабабли дарахтлари ёнғоқ ва теракка ўхшаб баланд эмас. Ниҳоллари баланд ва узун бўлмайди. Бухоро меваларидан яхши ва хуштаъм мева Мовароуннаҳрда топилмас, Бухоро замини шундайки, агар бир киши бир чарий (жариб) ер олиб нарса экса унинг ва яқинларининг маишатларига бемалол етади. Аҳоли ва халқнинг кўплигидан Бухоро ўз-ўзини таъминлай олмайди, озиқ-овқат етмайди. Шунинг учун Мовароуннаҳр ва бошқа жойлардан Бухорога ғалла олиб келадилар.

Бухорога яқин жойлашган тоғнинг номи Варкадир. У Самарқанд ва Кеш ўртасида жойлашган. Ўсрушана нахристонларига бориб тақалади ва Фарғонаю Тарозга қўшилиб кетиб, Чин ҳудудигача етади. Усрушана ноҳияларида жойлашган ҳудуд Фарғона, Илоқ ва Хархезгача бу тоғга нисбатан (параллел) жойлашган. Фарғонада навшодир кони, мис, темир маъдани, симоб, сурб, тилло, феруза бор. Шу тоғларда нефть булоғи, мум, сақич, тошкўмир мавжуд. Ёзда совуқ ва қишда иссиқ бўлган сувлар шу ерда бор. Бухоро деворининг ичида ва ташқарисида кўп ноҳиялар жойлашган. Деворнинг ичкарисида жойлашган ноҳиялар: Тавовис. Бу ноҳиянинг энг катта шаҳарлари Бумжикас, Зандана, Муғкон, Хажодадир. Девордан ташқарида Байканд, Фарбар, Кармина, Хидеманкап, Харғонкас, Мазёмжикас.

Тавовис — жуда катта шаҳар. Ҳар йили Мовароуннаҳр аҳли бир муайян вақтда бу шаҳарга келадилар. Оқар суви кўп, боғу бўстонлари бисёр. Куҳандиз ва шаҳристони бор. Шаҳристонда Жомиъ масжиди мавжуд. Бу ерда кўп бўз тўқилади.

Девор ичида жойлашган шаҳарлар бири-бирига жуда яқин. Иморат ва катталиги билан Кармина Тавовисдан ҳам каттадир. Харғонкас ва Мазёмжикас бир-бирига тенг. Бухоронинг ҳар бир шаҳрида ўз ноҳиялари бор. Фақат Байқанд бундан мустасно, лекин унда ҳам мингга яқин работ мавжуд. Байканднинг девори бор. Унинг Жомиъ масжидида шундай меҳроб ясаганларки, Мовароуннаҳрда унақаси учрамайди.

Фарбар Жайҳунга яқин шаҳардир, қишлоқлари ҳам бор.

Бухоро аҳлининг тили сўғдий. Халқи фозил ва муомалалари дирам (пули) билан. Тангаларининг номи «ғидрабий». Фақат Мовароуннаҳрда муомалада юради. Аксар халқ қабо ва кулоҳ (бош кийим) киядилар. Шаҳарнинг ичкари ва ташқарисида маълум кунлари бозор бўлади. Аксар одам тижорат билан машғул. Бухоро ва унинг атрофидан бўз ва занданичи (деган) мато чиқади.

Эшитишимизча, Бухоро куҳандизида шундай бир хосият борки, бирор подшонинг жанозаси у ердан ташқариға олиб чиқарилмаган. Айтишларича, Бухоро халқи асли қадимда Истахрдан кўчиб келган. Сомонийлар ҳам Бухорода мақом топдилар, чунки Хуросон ва Мовароуннаҳр чегараси шу жойда эди. Бухоро халқи жуда фармонбардор ва сўзларига вафо қиладиган халқлардан бўлади. Шунинг учун подшолар бу ерни ўзларига ватан қилдилар. Хуросон шоҳларидан Ал Сомоний Исмоил бинни Аҳмад Бухорони ўзига пойтахт қилди. Хуросон аҳли унга хиёнат қилдилар, шунда у Бухорода қолди, фарзандлари ҳам қолдилар. Ундан олдин Мовароуннаҳр волийлари Самарқандда, Моч ва Фарғонада ҳам турардилар.

Олдин Бухоро ва Хуросон Тоҳир давригача алоҳида мулкларга бўлинар эди. Байканд катта йўлдан бир фарсанг масофада жойлашган. Муғкон шаҳардан беш фарсанг масофада жойлашган. Ўнг қўлда Байканд йўли бор, у ердан йўлгача уч фарсанг масофа бор.

Зандана Бухородан тўрт фарсанг масофада жойлашган. Бумжикас Тавовис йўлида жойлашган, тўрт фарсанг масофада. Карминадан Байкандгача бир фарсанг. Сўғд чегарасигача ҳам шунча чиқади. Бумжикас Сўғрудга яқин, Байканддан ҳам анча кенг. Ғоникас Карминага тенг келади. Сўғд (мулки) Бухорога қўшилиб кетган. Карминадан ўтгандан сўнг Дабусияга келамиз, кейин Рабанжан ва Кашония, сўнгра Сапедруд ва Самарқанд, Иштихон келади. Булар Сўғднинг ўртасидир. Сўғд қасабаси Самарқанддир. Сўғруднинг жанубида жойлашган, шаҳристон ва работи бор. Куҳандизда сарой, иморатлар ва лашкар жойлашган. Шаҳристонда қалъа мавжуд. Тўртта дарвозаси бор. Булар — Чин дарвозаси шарқ томонда, Навбаҳор дарвозаси ғарб тарафида, шимолда Бухоро дарвозаси ва Дарвозаи Кеш ва Самарқанд дарвозаси жанубда.

Оқар сувлари бозорлар, маҳаллалар ва экинзорлардан ўтади. Кўрғошиндан қубурларда сувни Рўйгарон (мавзеидан) олиб, Кеш дарвозасигача келтирганлар. Шаҳар атрофини катта бир ҳандақ билан ўраб олиб, тошлар билан олдини тўсганлар. Жоҳилият даврида ҳам энг обод жой Сари тоқ деган шу жой бўлган. Қувурларга сув ҳам шу ердан олинади. Бу бозорнинг кўп дўконлари шу ариқ ишлашини таъминлашига вақф қилинган. Йил давомида шу ариқ ишини габрлар (оташпарастлар) назорат қиладилар. Жомиъ масжиди шаҳристонда, куҳандизнинг пастидадир. Шаҳарга қувурлар ариқлар билан сув ўтказилган. Улар боғ ва бўстонларни суғорадилар. Сарой биноси куҳандизда жойлашган. Шаҳристон работнинг бир чеккасида, Сўғд руд яқинида жойлашган. Работ девори Сўғд (руд)ниг Афшина деган жойидан бошланади. Кейин Куҳак ҳудудидан ўтиб, Варсинандан айланиб, Девруд дарвозаси, Фарахшид, Ғадовидгача боради. Бу руд работнинг атрофини ҳандаққа ўхшаб ўраб олган. Деворнинг масоҳати иккига-икки фарсанг келади. Анҳорнинг боши ва бозор жойи Сари тоқ деган жойдир. Шу ердан бозорлар, маҳаллалар, кўшклар, боғу бўстонлар бошланади, Боғу бўстони бўлмаган сарой жуда ҳам кам. Агарда одам куҳандизга қараб юрса, дарахтлар билан ўралган саройларни кўради. Саройу маҳаллалар, ариқлар бўйи дўконлар олдида дарахтлар ўсади.

Нашрга тайёрловчи
тарих фанлари номзоди Шодмон ФОҲИД.

Шарқнинг буюк донишмандларидан Абу Наср Форобий дунё фанига жуда катта ҳисса қўшган алломадир.

Абу Наср Муҳаммад ибн Ўзлуғ Тархон Форобий ўзидан бой маданий ва илмий мерос қолдирган. Унинг қаламига мансуб 160 дан ортиқ асарлар мавжуд. Буюк бобомизнинг бой назарий меросига назар солар эканмиз, унда одобахлоққа оид дурдоналар ҳам кўплигини кўрамиз. Мана, аллома ўгитига қулоқ тутинг:

Одобнома

ФОРОБИЙ ДУРДОНАЛАРИ

♦ Ҳар бир киши касб-корини мукаммал билмоғи, яхши тарбия олмоғи ва яхши хулқ-атвор, фазилатларга эга бўлмоғи керак.

♦ Ақл инсонгагина хос бўлган туғма қувват-руҳий куч билан боғлиқдир. Инсон тушуниш, фаҳмлаш, муҳокама қилиш, ўйлаб топиш, фикрлаш қувватига туғилишидан эга бўлади. Ва уларнинг қандай вужудга келганини ўзи билмайди, бу хусусиятлар болани ўсиб, камолотга ета бориши билан ривожланиб боради.

♦ Мусиқа фани шу маънода фойдалики, кимнинг феъл-атвори мувозанатини йўқотган бўлса, тартибга келтиради, камол топганларни камолга етказади. Мувозанатда бўлганларнинг мувозанатини сақлайди. Бу фан таннинг соғлиги учун ҳам фойдалидир, чунки тан касалга учраса, руҳ ҳам сўлийди, онгсизланади, тан қийинчиликка учраса, руҳ азобланади. Шу сабабли танни соғломлаштириш учун руҳни даволамоқ даркор, овозларнинг таъсири билан руҳий қувватлар ўз моясига уйғунлашади ва тартибга, мувозанатга келади. Бахтга эришишга кўмаклашувчи ҳаракатлар — ажойиб ҳаракатлардир.

♦ Агар инсон фақат ўзи учунгина меҳнат қилса, у айтайлик атоқли олим, буюк донишманд, ажойиб шоир бўлиши мумкин, аммо ҳеч қачон чинакам мукаммал ва улуғ инсон бўла олмайди.

♦ Тарих умумий мақсад йўлида меҳнат қилиб ўзлари янада олижаноб бўлиб қолган кишиларни буюк кишилар деб тан олади. Тажриба энг кўп кишиларга бахт келтирган кишини энг бахтиёр киши деб кўкларга кўтаради.

Юқоридаги қуйма фикрлар дунё тарихида тан олинган, ўзининг илму салоҳияти билан Ғарбу Шарқ мутафаккирларини сараларидан бирига айланган буюк алломанинг меросидан томчилар холос. Алломанинг ақл дурдоналари инсоният маънавий дунёсини гўзаллаштиради, одамлар ақлини пешлайди. Эзгуликларга хизмат қилиб савобли ишларга чорлайди.

Мусоқул УСМОНОВ,
Тошкент Молия институтининг профессори.



Қиш палласи тоғ ҳавосидан тўйиб симириб, табиат қўйнида чанғида сайр қилганга не етсин. Ҳозирда ҳамшаҳарларимиз бундай завқни Чимён тоғларида туйишмоқда.

Оилага бағишлаб бадиий асарлар яратилган ва яратилаяпти. Ёзувчи, шоир асарларини ўқияпмиз, фильмларни кўраяпмиз, театр томошаларидан ҳам қолмаяпмиз, рассом асарларини музей ва кўргазмаларда мириқиб томоша қилаётганларни тез-тез учратиб турибмиз. Ҳаммаси тарбияга, оилага меҳр қўйишга бориб тақалади. Қайси рассом ижодига назар ташламайлик бу мавзуда қалам юритган. Ё ўз оиласи ёки бошқалар оиласи ҳақида кишини ҳаяжонлантирадиган бадиий асар яратиб, ниҳоятда уни мустаҳкам бўлишини ўйлаб улуғлаганидан беҳад қувонамиз.

Санъат сеҳри

МИЛЛИЙ РУҲ УФУРАДИ

Ўзбек рассомлари орасида оила мавзуида ибрат бўладиган рангтасвир асарлар яратганлардан бири Республикада хизмат кўрсатган маданият ходими Ҳикмат Раҳмонов эдилар. Санъат мухлислари рассомнинг «Гулдаста кимга?» асарини яхши билишади. Картинада кранчи йигит бинокорлик ишларида ишлаётган бир қизни севиб, ғишт ўрнига муҳаббат рамзи учун гулдаста юборяпти. Бу гулдаста кимгалигини қизнинг дугоналари хабар қилишаркан, қизда кайфиятнинг анчан кўтарилиши, ўзбек қизларига хос тортинчоқлик, севгисини маъзур сақлаш, уялиб қизариш одатлари акс этиб, бир ҳуснига яна ўн ҳусн қўшилиб, ўзини бахтиёр сезаётгандек ҳис этмоқда. «Ўсма» деб аталган асарда ҳам оила қуриб, бир-бирларига ишониб, кўп йилдан буён бир ёстиққа бош қўйиб иноқ яшаб келаётган оила бошлиқларининг гўзал хусусиятлари мўйқаламга олинган.

Халқимизда «Онангни отангга пардозсиз кўрсатма» деган ҳикматли гап азалдан мерос бўлиб келади. Рассом Ҳикмат Раҳмонов балки шунга амал қилиб шу тасвирни яратган бўлсалар ажаб эмас... Миллий кийинган, кайфиятлари аъло ая ойнага қараб-қараб қошларига ўсма қўяяптилар. Буни кузатиб турган чоллари эса: «Ўсмасиз ҳам менга ёқасан, шундоқ ҳам чиройлисан!» деб ҳазиллашиб қўяётгандай, меҳр билан термулиб турибди. Бу қувноқ сиймоларга боққан киши шулардек яшагиси келади. Бошқа бир халқда яратилган «Қилпиллама» асарлари шу мавзуни яна тўла-тўкис ёритади. Бунисида даладан, меҳнат қучоғидан бўшаб, тушки дам олиш пайтлари, маданий ҳордиқ акс эттирилган. Тасвирда дала меҳнаткашлари тасвирланади. Очиқ ҳавода дам олаётганлар ўзларига хос кўринишларда тасвирланган. Қай бири тракторчи, қай бири мироб, қай бирлари эса кетмончи, ҳув бириси эса ошпаз аёл. Белига капкирни қистириб, шўх рақсга тушмоқда. Мўйсафид созанда дутор чалиб, «Қилпиллама» ашуласини берилиб айтаркан, ошпаз аёл ҳам бўш келмай, унга жавоб ўрнида қайтариб жўр бўлаётир. Шу асарлари ва бошқа ишлари ҳақида Ҳикмат Раҳмонов: «Халқ қўшиқларидан бири «Қилпиллама»ни кўпинча қариялар яхши дам олиши учун айтиб келишган. Мен бу ерда бегона эмас, бир-бирларига ҳурмат, андиша, ҳаё, ибо билан яшаб келган, миллий удумларимизни авлоддан-авлодга ўтказиб қадрлаётган, кекса бўлсаларда мазмунли ҳаётлари билан бардам кўринаётган эр-хотин отахон ва онахонларни ўзимча ўйлаб хаёлан эмас, хотираларим, кўрганларим асосида тасвирлаганман», дердилар.

Рассом Ҳикмат Раҳмоновнинг машҳур бўлиб кетган оилага бағишлаган картиналаридан яна бири «Қўша қаринглар» деб аталади. Бу рангтасвир асарлари қадрига ўз вақтида етилмагандан кейин, қардош Озарбайжон Республикаси пойтахти Бокудаги никоҳ уйи учун рассомдан сўраб олиб кетишганди. Серранг, рўшнолик, оиланинг бахтидан ҳикоя қилувчи асарда оила бошлиқларнинг фарзандлари зўр қувонч билан нишонлаётган «олтин тўй»лари ўз ифодасини топган. Орқада ой, палак, оила бошлиқлари миллий кийимларда тўкин дастурхонга термулиб, ўринларидан туриб, ҳаммага куллуқ қилиб, яхши ниятларини айтишмоқда...

Рассом Ҳ. Раҳмоновнинг бошқа рассомлардан фарқлари шу эдики, миллий руҳни миллий услубни майли оврупоча тасвирлаб бўлсада ҳимоя қилиб, ўзбек халқи ҳаётини куйиб-пишиб, гапириб доим эъзозлардилар. Нафақат катталарга бағишлангани, умуман ўзбек фарзандларига аталган, улар ҳаётларидан яратган ўнлаб асарлари: «Баҳор таронаси», «Ёз қувончи», «Бобом олдига», «Жўр бўлаяпти», «Ким кучли?» каби нафис ишланган асарларида тўла миллий руҳ, яхши, қадимий анъаналаримиз акс этиб турарди. Яхши оилада тарбия топган болаларни яхши одатлари шоирона яхши кайфиятда куйланганди.

Оила мавзуида ўз халқи одатларига яхши тушунган рассомларимиздан яна бири Зокир ака Иноғомов эди. Маиший жанрда хилма-хил мавзули асар яратиб келган рассом оила ва у кимлар учунлигини умумий тушунча билан тасвирлаб юрарди. Яратган рангтасвирлари орасида «Урчуқли келин» портрети эътиборимизни тортади. Эндигина оила қурган ёш келин урчуқда ип йигиряпти. Бир тарафда калава иплар, деворга безак учун илиб қўйилган ва ерга солинган гиламлар шу ёш келин чеварлик санъатидан дарак бераётир. «Эрни эр қиладиган ҳам, ер қиладиган ҳам хотин» дейди халқимиз. Кўринишда янги тушган келин чевар экан, демак эри бахтли, турмуши фаровон бўлади. Рассом урчуқли келин ҳаракатлари орқали уни оила келажаги ҳақидаги ўй-хаёлларини тўла-тўкис акс эттира олган. Бу каби уй бекаларининг оилага муносабати, чеварлик, чаққонлик санъатларини жуда кўп рассомларимиз ижодида учратиш мумкин.

Маҳмуд АҲМЕДОВ,
Ҳамза номидаги санъатшунослик илмий-тадқиқот институти тасвирий санъат бўлимининг илмий ходими, Ўзбекистон Рассомлар уюшмаси аъзоси.

Ўзбекистон қўшиқ байрами

Пўлат МЎМИН,
Ўзбекистон халқ ёзувчиси.

ВИЖДОН САҚЛАҒАЙ

Покиза одам азал
Қалбида иймон сақлағай,
Узлигин — инсонлигин
Аслида виждон сақлағай.
Кўкдаги кулган қуёш
Ул барчага тенг нур сочур,
Шул сабаб бўлса керак
Офтобни осмон сақлағай.
Турфадур ҳар бир кўнгил,
Бир зумда сезмоқлик маҳол,
Мард эса ошно сирин
Ҳар ерда пинҳон сақлағай.
Эътиқод мангу эрур,
Узгартириб бўлмас, вале,
Баъзилар дўстин сотиб,
Хилватда ул жон сақлағай.
Яхшилар иймонни пок —
Сақлаш йўлин тутгай мудом,
Ҳақ сўзин айтар Мўмин:
Инсонни инсон сақлағай.

БЕБАҲОЛАРДАН

Эрурсиз бебаҳолардан,
Иирокдурсиз хатолардан.
Кўнгилларга ҳузур оққай
Юзингизда иболардан.
Жамолингиз ёнар ял-ял,
Чаман сочган жилолардан.
Талай маъно уқиб олдим —
Кўзингизда имолардан.
Висол ҳажрида ёнгайман,
Сўрангиз ошнолардан.
Менга ним кулсангиз гоҳо
Эрур малҳам, даволардан.
Овозангиз эшитгай эл
Саболарда наволардан.
Бошимда бахт қушимдурсиз,
Умидим кўп хумолардан.
Илоҳим асрасин сизни —
Ёмон кўздан — балолардан.
Аё Мўминлигим ҳаққи,
Эрурман жон фидолардан.

НЕЧУН КЎПЛАР ХАТО ҚИЛҒАЙ

Севишганлар муҳаббатда
Нечун кўплаб хато қилғай?
Атайданми, тушунмайми
Неча дилни адо қилғай?
Гўзалларда макр кўпми —
Билолмайди бани ошиқ,
Тўйиб ҳижрон азобидан
Юракларми нидо қилғай.
Ситамларга, таманнога
Азалданми харидор кўп?
Совургайлар молу дунё,
Яна жонин фидо қилғай.
Кўнгиллар сирлидир эй воҳ,
Азал асрори мавҳумдир,
Тасодифлар чиқиб қолиб,
Қаранг, кимлар сафо қилғай?
Билолмайсан, билиб бўлмас,
Муҳаббат сирли оламдур.
Қачон, Мўмин, кулиб бахтинг
Висол онин ато қилғай?

СУБҲИДАМ САХОВАТИ

Тангридан иноят субҳидам,
Мусаффо боғоят субҳидам.
Саломлар таралгай нурдайин,
Бўлинг деб саломат субҳидам.
Насиба улашгай ҳумо қуш,
Рўй бергай каромат субҳидам.
Нафас ҳам неъматдир аслида,
Таралур тароват субҳидам.
Ёруғлиқ йўлларга поёндоз,
Мўътадил ҳарорат субҳидам.
Имону инсофдан бошланур,
Савобу саховат субҳидам.
Янги кун, янги бахт туғилгай,
Бахш этар ҳаловат субҳидам.
Мўминлар дуога очиб қўл —
Кутарлар ижобат субҳидам.

АЁНДУР УШБУ ДАМДА

Аён бўлди дилимга ушбу дамда —
Бугун ташриф этармиш ёр чамамда.
Севилганнинг юзи ёнса ибодан,
Висол дарди ёнар севган одамда.
Урунсам ҳам ўзимни чалғитишга,
Ҳамон юргай хаёлу хотирамда.
Севинчимга қўшилса ёр қувончи,
Кўролмаслар қолур қайғу-аламда.
Йўлига интизор-у интизорман,
Чаман қолса бизим босган қадамда.
Билолмайман ибоданми тилим лол,
Ажиб ҳолат кечар қалбу танамда.
Келиб ёрим ширин суҳбат қурар чоғ,
Мўминдай боқса ул меҳру карамда.

Қатағон қурбони

ТАҚИҚЛАНГАН «ФАРҒОНА ҚИЗИ»

Наби Ғаниев томонидан яратилган «Фарғона қизи» бадиий фильмини томошабинлар оммаси ҳали кўрмаган. Режиссёрнинг навбатдаги ва сўнгги бадиий фильми илк бор 1948 йил 24 декабрь куни экранда кўрсатилган. Бу асар таъқиб остига олиниб, муҳокамаларда қораланган, «Қизил Ўзбекистон» газетасида танқидга учраган. Фильмнинг дастлабки номи «Кескин бурилишда». Режиссёр фильмни М. Мелуков сценарийси асосида яратди.

Бу асар янги ерни ўзлаштириш, қишлоқ хўжалигини механизациялаштиришга бағишланган. Режиссёр фильмдаги ролларни ўзи кўп марта синаган актёрларга топширган. Шунинг учун бўлса керак фильмда актёрларнинг ижроси томошабинни ҳайратлантиради. Кўз ўнгимда Дилбар — Юлдуз Ризаева ижро этган қаҳрамон. Раҳим Пирмуҳамедов, Асад Исматов, Хадича Аминова каби истеъдодли актёрлар ёнида ёш актриса Юлдуз Ризаева эркин ижод этгани сезилади. Фильмдаги Дилбар куч-ғайрати, меҳнат-машаққати туфайли отасининг эътирозларига қарамасдан, чўлу сахрони беполён пахтазорга айлантирмоқчи бўлади, бригадага бошчилик қилади, ер ҳайдайди, кетмон чопади, пахта теради. Пахта териш машинасини бошқараётганида, техника кучига ишонмаган отасининг ҳаракатлари Дилбарнинг режалари асосий қийинчиликларни туғдиради. Дилбарнинг онаси, жамоа раиси Жамол опа ролида артист Хадича Аминова соддадил ўзбек аёлининг ҳақиқий қиёфасини яратади. Жамол опа ҳам янгилик тарафдори эди. Булардан ранжиган тажрибали деҳқон, қайсар, аммо меҳрибон Жаббор ота уйидан чиқиб кетади. Зиддият ана шу аснода келиб чиқади ва ривожланади.

Фильмда таъсирчан парчалар кўп. Масалан, эр-хотин ўртасидаги можаро ёдимга тушади. Бу эпизодда актёр Асад Исматовнинг эҳтиросини, ўжарлигини тасвирлашда режиссёр чилим чекиш кадрларини ўринли киритган, қаҳрамоннинг характерига мос бўлган таъсирчан воситани топа билган.

Энг аҳамиятлиси шундаки, адиб Наби Ғаниев бадиий асарда илмий агротехник жараённи сўз билан таърифлаган, сўнгра режиссёр сифатида уни экранбоп шаклини топган, воқеаларнинг руҳи мос келадиган композиция топган. Катта чойнак «механизатор» деб, кичик чойнак «ғўзапоя» деб аталиши, сўнгра қатор ораларига ишлов берилиши жараёнини ўша чойнакларни ҳаракатга келтириб тасвирлаши ҳам қизиқиш уйғотади, ҳам кулги. Чунки бу эпизодда тракторчи Полвоннинг билими, ўзига оро бериши, техникага қизиқиши ва ишониши кўзга ташланади. Фильм эса муҳокамаларда ноўрин танқид этилди. Фильмда партиявийлик етишмаслиги, колхоз қишлоқ хўжалигининг ривожланишида партия ташкилотлари ва қишлоқ коммунистларининг роли муаллиф эътиборидан четда қолганлигига урғу берилди. Яна фильмда ўзбек деҳқонларига улуғ рус халқи ва шаҳарнинг ёрдами жуда юзаки, сийқаланган усул орқали берилган, бу образларни бўрттириб, яққол кўрсатиш зарур деб, фильмдаги бу ўринлар асарнинг энг катта ғоявий нуқсони деб белгиланади.

Биз яқинда бу кинофильмни кўриб завқ олдик. Таъсирландик. Унда халқимизнинг ўтмиши муҳрланган. Фильм қанча-қанча истеъдодли ижодкорларнинг меҳнати туфайли вужудга келган. Фильм ноўрин танқид туфайли экранга чиқмаганидан ким наф кўрди? Бу саволни биз 50 йилдан кейин бераяпмиз! Шу даврда уни қанчадан қанча томошабин кўриши, эстетик завқ олиши, яқин ўтмиш воқеалари ҳақида мулоҳаза қилиши мумкин эди.

Феруза МУҲАММАДЖОНОВА.
СУРАТДА: фильмдан лавҳа.

Ҳамшаҳарларимиз

БУГУН ЎЗИ УСТОЗ

Халқимизда: «Қуш уясида кўрганини қилади», деган ажойиб мақол бор. Дарҳақиқат, кўрганларингиз, эшитганларингиз бир умр эсдан чиқмайди. Мен шу мақолни эсласам, ўқувчиларини жон-дилидан яхши кўрадиган, дарслардан кейин ҳам кўпинча мактабда уймаланишиб юрадиган муаллима Феруза Жўраева кўз ўнгимга келади.

Уни яхши билишимнинг боиси бизнинг неварамиз Насрулла ҳам бошқа болалар қатори худо шўҳлик улашаётганда биринчилардан бўлиб етиб борган, ўқишлари ҳам, тўполони ҳам аълочиларникидан қолишмайди. Феруза шунга ўхшаш 30 га яқин болага лотин алифбосида сабоқ бераётир.

Феруза зиёли хонадоннинг фарзанди: отаси Ҳакимжон ака ҳуқуқшунос, онаси Матлуба опа фахрий ўқитувчи. Эҳтимолки қизи шу фахрли касбни танлашида онанинг ҳам катта ҳиссаси бордир. Ферузанинг биринчи устозлари аяжониси ва қайнонаси Ўлмас опа Исмоиловалар ҳисобланади, мактабда эса алифбони Нури опа Абдужабборовадан ўрганган.

Бундан ўн етти йил муқаддам муаллималар тайёрланадиган билим юртига кириб, уни имтиёзли диплом билан битирган Феруза сабоқни Тошкент рус тили ва адабиёти институтида давом эттирди. Айни вақтда ўзи ўқиган Акмал Икромов туманидаги 236-мактабда биринчи синфларга дарс бера бошлади. Мана шунга ҳам ўн икки йил бўлибди.

Яқинда Феруза Жўраева ўқувчилари билан биргаликда саводхонлик байрамини жуда қизиқарли қилиб ўтказди. Унга олис ўзга сайёрадан келган меҳмон-Робот, темурийзодалардан ҳисобланмиш Зебунниса бегимлар (мактаб шу ном билан аталади) ҳам қатнашди. Жажжи ўқувчилар устозларини, ота-оналарини табриклашгач, саводхонлик байрами бошланди. Лотин ҳарфларини бошларига «тож» қилиб кийиб олган кичкинтойлар бир-биридан доно қилиб, ўз ҳарфларига таъриф бердилар.

Феруза бу тадбирга фақат ўз ўқувчиларинигина эмас, ҳатто 7-синф ўқувчилари Муҳаббат Исроилова, Дурдона Тўлаганова, 10-синф талабалари Муножот Файзиева, Отабек Қобулжонов, Дониёр Тўхтаев ва Феруза Мирмақсудоваларни ҳам жалб этиб, адабий кеча янада мазмунли ва қизиқарли ўтишига эришди.

Ҳозирги кунда жонкуяр Феруза Жўраева Наврўз байрамига махсус тайёргарлик кўраяпти. У шогирдларига Наврўз қўшиқларини, шеърларини ўргатаётир. Зеро, бу байрам жуда катта тайёргарлик кўришни талаб қилишини у яхши билади.

Наримон ОРИФЖОНОВ.

Бешикчилик — қадимий, миллий ҳунармандчилигимиз саналади. Зикрилла Ҳакимовга бу ҳунар авлодлар сулоласи сифатида ўтган: катта буваси Миркомил ота, буваси Мирҳаким ота, отаси Миразиз ака — барчаси ана шу касб билан шуғулланишган. Эндиликда Зикрилла аканинг ўғли Муроджон ҳам ота-боболари ишини давом эттиряпти.

Эсингизда бўлсин

РЎЗҒОРДА АСҚОТАДИ

Муддати ўтиб қолган батареяларга болғача билан оҳистагина уриб, уни ҳар томонидан омбир билан қиссангиз қайта кучга кириши мумкин.

* * *

Сарғайиб кетган кирни қайнатганда нашатир спирти қўшсангиз (10 литр сувга бир ош қошиқ) тез очилади.

* * *

Агар сувга бир-икки қошиқ борат кислотаси қўшсангиз, унда икки соат оқ пайпоқ, голфи каби буюмларни ивитсангиз жуда яхши ювилади.

* * *

Крахмалга озгина туз қўшишни унутмасангиз, кирларингиз ярақлаб кетади.

* * *

Туз дазмолни тозалайди. Шунинг учун қиздирилган дазмолни туз сепилган қоғоз устидан бир-икки марта юргизиб юборсангиз топ-тоза бўлади.

* * *

Сунъий шойидан тикилган (кўйлак, юбка, блузка ва бошқалар) буюмларни дазмоллашда сув пуркаманг — доғ қолиши мумкин.

Барно АҲМЕДОВА тайёрлади.

Бу воқеага анча йиллар бўлди... Қўшнимизнинг қизи Саломатхон бирам ақлли, бирам чиройли эдики, кўрган киши яна бир кўрсам, дерди. У балоғатга етгач, хонадонларига совчи устига совчи ёғилди. «Биз қизимизнинг раъйига қараймиз, майли учрашишсин, йигит бола қизимизга ёқса, биз рози» дейишди ота-она...

Лекин, бўлажак куёвларнинг ҳеч бири Саломатхонга маъқул бўлмади. «Униси ундоқ экан, буниси мундоқ экан» деяверди. Шундан сўнг анча вақтгача бу уйдан совчилар қадами узилиб қолди. Дастлаб бунга ота-онаси эътибор беришмади. Бироқ, маҳаллакўй бор, ҳатто шу оиланинг узоқ-яқинлари ҳам «Ёши ўтиб кетмасдан тўй қилиб юбориш керак» деган қочиримлар қилаверишди. Бундан она ҳавотирга тушди, ҳатто бир куни жаҳл устида Саломатни жиндак койиди ҳам. «Ўшанда бирортасининг этагидан тута қолмадингда, қизим!» Қиз ўпкаланди: «Ҳеч бири ёқмадида, менга, нима қилай...»

Йиллар эса ўтиб борарди. Саломат ота-онасини қийнаб қўйганини тушуниб етди. Ахир, ундан кейин сингиллари бор. Уларга ҳам йўл очиб бериши керак. Шунда ўйлаб-ўйлаб бир қарорга келди ва онасига деди: «Энди ким сўраб-суриштирса мен розиман!»

Қизининг бу қароридан Меҳри хола қувонди, чунки кечагина ишхонадаги ҳамкасби «хотинидан ажрашган укаси»дан гап очганди. «Саломатингиз укамни бир кўрсин, балки иккови бир-бирларини ёқтиришар» деганди. Шуни қизига айтди, сўнг кўшиб қўйди: «Ўша йигит эртага кечқурун жўраси билан бизникига келаркан. Сенинг олдингдан ўтолмай турувдим», деди.

Саломат эртасига қўшни маҳалладаги дугонасини чақирди. «Турмуш кўргансан, одам танийсан, бугун совчи келмоқчи», деди. Бўлажак куёв ўртоғини бошлаб кириб келишганида Саломат дугонаси билан дераза тирқишидан қараб туришганди. Йигитларнинг бирови Саломатга жуда ёқди, кўргандаёқ юраги «жиз» этди, юриши, ўзини тутиши, кулиши, сўзлашиши, ҳамма-ҳаммаси ўзига жуда ярашиб кетаркан. «Мен орзу қилган йигит шу» деб ўйлади беихтиёр. Дугонасига сир бой бермасдан, сўради: «Сенингча қай бири куёв, буларнинг?» Нилуфар елка қисди: «Ойинг келсалар, сўрардик!» Меҳри хола қизларнинг ёнига келди-да, негадир қизини уялтиргиси келмадими, Нилунинг қулоғига пичирлади: «Анув, чап томондагиси куёв экан...» Саломат бу гапни эшитди, эшитдию бирдан маъюслениб қолди. Гўё биров баланд осмондан ерга тушириб қўйгандек сезди ўзини. Ўксинди. Унга ёқиб қолган йигит куёвнинг жўраси бўлиб чиқди!

Турмуш чорраҳаларида

ЮРАК ХИЁНАТИ

... Эрта-индин тўй. Саломат эса ҳамма нарсага бефарқ, гўё ўзининг эмас, бировнинг тўйи бўлаётгандай. Она эса буни ўзича тушунди: «Қизимнинг ҳавасланадиган вақти ўтибди, шекилли...» Бироқ, Саломат... Туйдан кейин ҳам яйраб-яшнаб юролмади. Бунинг устига, турмуш ўртоғининг ўша жўраси буларникига тез-тез келиб турар, Саломат шунда ич-ичдан ўзи билан ўзи олишар, йигит кетгач, анча вақт маҳзун бўлиб юрарди. Бир куни эри унга ҳазил аралаш деди: «Менга жуда қувноқ қиз дейишувди сени. Бизникига келганингдан бери бирор марта кулганингни кўрмадим!» Саломат ҳушёр тортди: «Сезишган бўлса-я...» Ахир нима қилсин, ўз туйғуларига ўзининг кучи етмаётир, ҳаётида биринчи марта биргина йигитни ёқтирувди, у ҳам бўлса... «Ўша ўртоғингиз келмасин бизникига» демоқчи бўлди бир куни. Лекин, ундан шубҳаланишларидан қўрқди. Эри бўлса нуқул ўшани чақираверади, худди атай қилгандек. «Равшан кел, шахмат суришамиз», «Бирров келиб кет, муҳим иш бор», «Кел, бир жойга ўтиб келамиз...» Хуллас, Саломат ўша йигитни ҳар икки куннинг бирида кўрар, ҳовлида тасодифан дуч келиб қолаверарди.

Бир куни дугонасига ёрилди: «Нилу, эримга кўнгил қўя олмаяпман. Қийналиб кетдим...» Дугонаси кулди: «Турмуш қургандан сўнг кўнгил қўйдинг нимаю, қўймадинг нима...» Хуллас, кўнглидаги сирни дугонасига айтолмай қайтди у. Энди нима қилсайкин? Балки, ишга кирса, бироз чалғиб, ҳаммасини унутар... Эри ҳам осонгина кўнди, ҳатто эртасига унга иш топиб келди. Шундан сўнг Саломат касбига кўра, тикувчилик фабрикасига ишга жойлашди. Ўзича қувонди: «Энди ишга ҳам, янги хонадонга ҳам кўникаман. Бошқача яшай бошлайман». «Янги ҳамкасблари бирам қувноқ қизлар эканки... Куннинг қандай ўтганини ҳам билмай қолди, у. Аммо, эртасига... Тушликка чиқаётганларида, рўпарасидан яна ўша йигит чиқиб қолди. «Бу ерда нима қилиб юрибди у», дея Саломатнинг юраги дукурлади. Равшан жилмайиб келиб, саломлашди, сўнг: «Қийналмай ўрганяпсизми? Агар бирор қийинчилик бўлса, тортинмай айтинг. Мен кўшни цехда устаман» деди. Саломатга яна азобли кунлар бошланди. Ич-ичидан эзилди: «Мен турмуш ўртоғимга юрагимда хиёнат қилаяпман, ахир хаёлимда фақат бошқа биров бўлса» деб ўйлади. Сўнг, кимдан маслаҳат сўрашни билмай, бир куни онасига кўнглини очди. «Вой, шўрим, — деди она қўрқиб кетиб. — Шайтонга ҳай бер, қизим. Мана мен ҳам дадангни яхши кўрмаганман, кўникиб шунча йил яшадимку!» «Эҳ, ойижон, нима қилай ўзимга кучим етмаяпти. Куёвингиз ҳам ўшанинг идорасига ишга жойлаштирди келиб-келиб», деди йиғламсираб Саломат.

... Саломатнинг эридан ажраб, ота уйида яшаётганини эшитганлар ҳайрон бўлишди. «Туппа-тузук яшашаётувдику, нима бўлдийкин?» деб бир-бирларидан сўрашди. «Фарзанд бўлмади, нима қиламан бировни қийнаб...» деди Саломат кўнгил сўраб келган яқинларига. Лекин, ота уйида ҳам Саломат баттар қийналиб кетди. Равшанни кўргиси келаверди. Идорадаги ишидан ҳам бўшаб олганди у. «Бир ўтиб келсаммикин, идорага у-буни баҳона қилиб. Йўғ-е, энди мен юзи шувит бўлган одамман...» деб ўйлади. Барибир чидолмади, эртасига эски идорасига борди, қизлар билан сўзлашиб ўтирди. Эшик томон қараб-қараб қўяверди. Кетар чоғида: «Равшан бугун ишга келганмиди?» деб сўради бир қиздан. «Вой, эшитмадингизми, Равшан ака бўшаб кетди. У кишини бошқа шаҳарга ишга таклиф қилишган экан, ўша ёққа кетганмиш» деди. Саломат уйга қандай етиб келганини сезмай қолди, учиб келдими ё юриб... Келдию, ўзини каравотга отди. Йиғлайвериб, кўзларида ёш қолмади. «Нега озгина сабр қилмадим, нега?» деб ўйларди у. — Мана, узоққа кетаркан ҳам, озгина сабр қилганимда ҳаётим изга тушиб кетармиди... Энди нима бўлади? Нима қилиб қўйдим, ўзи?» Ўйлагани сайин бир нарсани чуқурроқ англарди. Энди ҳеч нарсани ўзгартириб бўлмайди! Кўнгил измига бўйсуниб яшаб, тўғри қилмади у. Ақлига, сабрига, иродасига таяниши керак эди. Нима қилиб қўйди, ўзи? Сўнгги пушаймон... Сўнгги пушаймон аччиқ сабоқдир.

Гулчехра ЖАМИЛОВА.

Бу ўсимлик илдизи шакли одамни эслатади. Шу боис «одамгиёҳ» деб юритилади. Женьшень — кўп йиллик, бўйи 70-80 сантиметрга етадиган ўт ўсимлик. Пояси тўғри, ингичка. Гули майда, қўнғир-яшил, соябонга тўпланган. Меваси — тўқ қизил, уруғли. Август—сентябрда пишиб етилади.

Билиб қўйган яхши

ИЛДИЗ ШАКЛИ ОДАМНИ ЭСЛАТАДИ

Унинг уч тури бор: 1. Оддий женьшень—панакс гинзенг — Хитойнинг Шарқи шимолида, Кореяда, Японияда, МДҲнинг Уссури ўрмонларида ўсади.

2. Америка женьшени — Канада ва АҚШнинг шимолий қисмида ўсади.

3. Сохта женьшень — Шимолий Ҳиндистон, Непал, Ҳинди-Хитой, Тайландда ўсади. Булар орасида энг қимматроғи оддий женьшендир.

Табобатда илдизи ва илдизпояси ишлатилади. Таркибида панакс моддаси, эфир мойи, смола, ёғ кислоталари, С, В1, В2 дармондори, темир, алюминий, ошловчи моддалар, ферментлар ва бошқа бирикмалар сақлайди. Женьшень илдизидан тайёрланган кукун, спиртдаги эритма, суюқ экстрактлари мавжуд бўлиб, дорихоналарда сотилади. Бу дори умрни узайтириш, дармонсизликда ажойиб малҳамдир. Ошқозон-ичак хасталикларини даволашда, иш қобилияти пасайганда, асаб тизимида, юрак-қон томирлари фаолияти сусайганда, жисмоний ҳамда руҳан чарчаганда, жигар хасталигида яхши наф келтиради.

Тўрт минг йил муқаддам женьшень шарқ халқ табобатида қадрланган эди. Хитой табиблари уни турлича хасталикларни даволовчи дори, ёшликни сақловчи элексир сифатида қўллашган. Илдиз шарбати ҳатто ўлим олдидан бехуш ётган кишига ичирилганда ҳам бу ажойиб ўсимлик ўзининг шифоли таъсирини тез кўрсата олади, деб ёзилган қадимги тиббиётга оид китобларда. Х асрнинг бошларида Марказий Осиёликлар ҳам женьшень тўғрисида яхши билганлар.

Табобат илмининг даҳоси Абу Али ибн Сино ўз китобида шундай ёзади:

«Одамгиёҳни қаттиқ шишларга, чипқонларга ишлатсалар фойда қилади. Илдизини майда қилиб янчиб, сирка билан сарамасга (оташакка) суртилса, уни тузатади. Тошмаларни ҳам кетказади. Илдизини талқон билан қўшиб бўғин оғриқларида боғланади. Одамгиёҳнинг уруғини ичилса, бачадонни тозалайди...»

Женьшень қалби покиза кишиларгагина кўринади, деган ривоят юради. Ишонч билан изланган ўсимликни топган қидирувчи икки қўли билан юзини беркитиб ерга у ўсимликка яқинлашади, унинг олдида тиз чўкиб дуолар ўқийди. Илдиздаги ҳар бир бўртма ва ҳар бир чуқурча, унинг сиртидаги барча ажинлар теримчининг диққат марказида туради. Айниқса, уни илдизнинг шакли қизиқтиради, чунки женьшенга қандай баҳо тайинлашни унинг кўриниши ҳал қилади.

«Модомики Аллоҳ таоло шифобахш илдизни одамга ўхшатиб яратган экан, демак унинг шакли албатта одамни эслатиши керак».

Женьшеннинг ўзига хос биологик хусусияти бор. Бунинг сабаби ҳанузгача аниқланмаган. Яъни, унинг пояси шамол, ҳайвонлар томонидан ёки бошқа сабабларга биноан синдирилса, илдизи узоқ муддат уйқуга киради. Бу ҳолатни теримчилар «Женьшень ерга кириб кетди» деб талқин этишади. Илдизнинг уйқуси 20 йил давом этади. Сўнг қулай шароит бўлганида ундан янги поя ва барглар ўсиб чиқади. Женьшень балғам ажралиши ва йиғилишини йўқотади, қайт қилишни тўхтатади, иштаҳани очади, ҳансирашни камайтиради, киши кайфиятини чоғ қилади, қонни кўпайтиради, иссиқдан бўлган бош айланишни йўқотади, кўз хиралашишини ва кекса танага куч-қувват бағишлайди. Шу билан бирга, эркаклардаги жинсий безлар фаолияти пасайганида, паришонхотирликда, қон босими паст бўлганида (гипотония), юрак порогида, қандли диабетда, юқумли хасталикларда, нурланишдан озор чекканда фойда қилади. Жуда фойдали экан, деб узоқ вақт истеъмол қилиб бўлмайди. Асалнинг ози ширин, деганларидек, илдизидан тайёрланган дориларни кўп ичиб бўлмайди. Ўз меъёри бор. Белгиланган меъёридан истеъмол қилинса, нохушлик келтиради. Жумладан, уйқусизлик, бош оғриғи, бош айланиши, юрак соҳасида оғриқ ва бошқалар. Айни пайтда женьшень илдизидан тайёрланган дорилар капсула ҳолида — «Женьшень плюс», «Ўттиз плюс» номи билан чиқарилмоқда ва дорихоналарда мавжуд.

Мирзамир МИРЗАШАРИПОВ, доришунос.

Бу воқеа шаҳримизнинг Яккасарой туманида рўй берди. «Сони» дўкони ёнида тўхтаган «ВАЗ—2109» русумли машинадан басавлат бир киши тушди. У йўл чеккасига ўтиб кимнидир кутгандек бўлди. Атрофга олазарак боқиб соатига қаради. Сўнг яна машинаси томон қайтдида, эшикни очиб кабинага ўтирди.

Унинг ғалати хатти-ҳаракати шу яқин орада хизмат вазифасини ўтаётган автоинспекция назоратчилари Б. Назаров, Г. Раҳматов, С. Асомовларнинг диққатини тортди. Назоратчилар шубҳали киши ўтирган машинанинг давлат белгисини кўздан кечиришди. «Н 319 ВАМ». Демак ўзга шаҳардан келган. Текширувга асос бор.

Назоратчилар ҳайдовчига яқинлашиб, ундан шахси ва машинаси ҳужжатларини кўрсатишни илтимос қилишди. Ҳайдовчи бу илтимосни тихирлик билан бажарди. Текширув баҳона зимдан машина кабинаси кўздан кечирилди. Эътиборни орқа ойна тагида қизил чўпонга ўроғлиқ турган буюм ўзига тортди. Очиб қарашса бир килограммга яқин гиёванд модда...

Назоратчиларнинг ҳушёрлиги туфайли очилган ушбу жиноий иш яқинда Тошкент шаҳар суди томонидан кўриб чиқилди. Шу муносабат билан биз шаҳар судининг раиси Обиджон Турғунбоев билан шу ҳақда, умуман сўнгги вақтларда гиёвандликни келтириб чиқараётган сабаблар ва унга қандай ғов қўйилиши хусусида суҳбатлашдик.

— Обиджон ака, ҳақиқатни айтиш керак. Кейинги вақтларда шаҳримизда гиёвандлик иллатларига қарши кураш кучайиб бормоқда. Суҳбатимизни шундан бошласак нима дейсиз?

— Фикрингизга қўшиламан. Ҳозир маъмурий органлар бунақа нохуш ҳодисаларнинг олдини олиш, инсон ҳаёти учун зарарли бўлган бу оғунинг тарқалишига қарши кескин кураш олиб боришмоқда. Лекин шунга қарамай баъзи бир «уддабуронлар» турли йўллар билан бундай иллатнинг содир бўлишига сабаб бўлишяпти. Бир мисол: Қизил тўқимачи бекатида «Тошкент — Иркутск» поездини текшираётган божхона ходимлари бир нотаниш кимса сумкасидан 2,5 килограммга яқин наша топиб олишди. Хўш, бу йигит шунча гиёвандлик моддасини қаердан олди, кимга олиб кетаётган эди? Бу жиноятга қўл уришга уни нима мажбур этди? Энди бу саволларга у тергов давомида жавоб беради.

Бир тасаввур қилиб кўринг-а, борди-ю ўша шахс қўлга олинмаганда нима бўларди. Шунча миқдордаги гиёванд модда қанча кўнгилсизликларнинг содир этилиши, неча-неча одамларга оғу бўлиб кириши, қанча оилаларнинг барбод бўлишига олиб келиши мумкин эди. Қолаверса унинг жамиятимизга етказган маънавий-ижтимоий зарарини ҳеч нарса билан ўлчаб бўлмайди.

— Шу ўринда газетхонларни мақола аввалида келтирилган жиноий ишнинг якуни нима билан тугагани ҳам қизиқтириши табиий, ҳол...

—Содир этилган жиноят тажрибали судья Н. Хўжаева раислигида кўриб чиқилиб, бойлик орттириш йўлида нопок ишга қўл урган Тожикистон фуқароси Эмомали Давлатовни ўн тўрт йил озодликдан маҳрум этиш ҳақида ҳукм чиқарилди.

— У шаҳримизга қандай келиб қолган? Шунча миқдордаги гиёванд моддасини қаердан олиб, кимга олиб кетаётган экан?

— Аввало жиноятчининг шахси ҳақида икки оғиз сўз. У 1969 йилда туғилган. Тожикистон Республикасининг Писсар туманида жойлашган Деҳқонобод жамоа хўжалиги ҳудудида яшайди.

Давлатов ўтган йили баҳор ойида Панжикент туманида бўлганида терговда шахси аниқланмаган Раҳим исмли йигитдан 704 грамм героин моддасини 15 минг АҚШ долларига сотиб олади ва уни Россияга олиб бориб 30 минг долларга сотмоқчи бўлади. Шу мақсадда у Тошкентга келади. Ўша куни Москва поездига чиптa топилмагани сабабли уч кун шу ерда қолади ва Тожиддин, Баҳром исмли танишларини қидириб топиб, уларникида яшай бошлайди. Учинчи куни танишги Тожиддинга қарашли машинада Яккасарой туманига келади. Шу ерда у давлат автомобиль назорати ходимлари томонидан текширилиб қўлга олинади. «Қозонга яқин юрсанг қораси юқар» деганларидек суд ҳукми билан унинг таниши Тожиддинга қарашли машина ҳам далилий ашё сифатида давлат ҳисобига ўтказилди.

— Кейинги пайтларда шаҳримизда гиёванд моддаларнинг тарқалишига чет эл фуқаролари ҳам «муносиб ҳисса» қўшаётганликлари мана шундан ҳам кўриниб турибди.

— Ҳудди шундай. Бунга янада аниқроқ бир мисолни келтиришим мумкин. Говсидин Турёлай ва Файз Туралай Афғонистон фуқаролари. Улар қўшма корхонада ишлаш учун шаҳримизга келишган. Оладиган маошларига қаноат қилмай мўмай пул топиш мақсадида Афғонистондан Тошкентга гиёванд моддаларни келтириб сотиш ҳақида келишиб олишган. «Кўза кунда эмас, кунида синади» деганларидек уларнинг қинғир ишлари ошкор бўлиб, қилмишлари учун суд олдида жавоб беришларига тўғри келди.

— Афсуски, ўзимизда ҳам оғу савдоси билан шуғулланаётганлар оз эмас.

Гиёвандлик — иллат

ОҒУ УРУҒИНИ ТАРҚАТАЁТГАНЛАР

Халқимизда «Бирники мингга, мингники туманга» деган нақл бор. Бу ибратомуз гап гўё шундайлар учун айтилгандек туюлади. Уларни ёмонлик уруғини тарқатувчиларга қиёсласак хато бўлмас. Бундайлар қилгиликни қилиб қўйиб яна ўзгаларни қора, ўзларини оқ қилиб кўрсатишга уринишади. Ёмоннинг бир қилиги ортиқ. Бироқ ҳар қаён уринишмасин ҳақ жойида қарор топиб, пиширган ошларини ўзлари ичишга мажбур бўлишади. Масалан, Марина Белкова ва Мавжуда Ўразаевалар гиёвандлик моддасини сотаётганларида қўлга олиндилар. Лекин улар айбларини бўйинларига олмай, турли важ-карсонлар кўрсатишди. Ахир одамлар кўз ўнгида содир бўлиб турган жиноятни яшириб бўлармиди? Улар кимни алдамоқчилар? Гувоҳлар ва экспертизаларнинг аниқ хулосаларга таяниб, суд уларни айбдор деб топди ва қилмишларига яраша жазолади.

Жиноятчилар-ку жазога тортилиши муқаррар. Лекин кишини бир нарса ташвишга солиб ўйлантиради. Биз юқорида қайд этган ҳолатлар ўз-ўзидан содир бўлмаган албатта. Жиноятчиларнинг қилмишларидан олдинроқ хабар топганлар ҳам бор. Масалан айтайлик, наҳотки ота-она, қариндошуруғ, қўни-қўшнилар, яқин атрофдаги кишилар юқоридаги воқеаҳодисаларни сезишмаган ёки кўришмаган бўлишса? Улар сезиб, кўришган. Лекин ҳеч ким бу «тижоратчиларни» инсофга чақирмаган. Ҳаром оғу уруғидан топилаётган луқма бир кун тешиб чиқишини ўйлаб кўрмаган. Кўпинча шундай бўлади. Бўлар иш бўлиб ўтгандан сўнг ташвишланиб юрамиз. Ўша содир бўлиши мумкин бўлган жиноятни олдиндан кўрабилсакда уни олдини олишга ҳаракат қилмаймиз. Мана шу кўнгилчанлик ниҳояси ёмонлик билан тугашини хаёлимизга келтирмаймиз. Сўнгги пушаймондан эса фойда йўқ.

— Яқинда транспортда кетаётиб икки киши суҳбатининг шоҳиди бўлдим. Улардан бири иккинчисига: «Мактабга ўғлимнинг ўқитувчисига учрашгани борувдим. Йўлда бир гуруҳ ўсмир болалар даврасига дуч келдим. Бирдан «гуп» этиб димоғимга наша ҳиди урилди. Олдиларига бориб тартибга чақирсам улар: «Аравангизни тортаверинг, биз билан ишингиз бўлмасин» дейишди иршайиб. Ахир бу қанақаси? Бу ёшларнинг эртанги куни нима бўлади? Нотаниш кишининг бу сўзи анча вақтгача мени ўйлантириб қўйди.

— Келинг, яхшиси мен ҳам саволингизга яқинда ҳузуримда бўлган бир кишининг сўзи билан жавоб қайтарай. У шундай ҳикоя қилади: «Куни кеча бир чойхонага кирувдим. Сўрида одамлар тўла экан. Чеккароққа бориб ўтирдим. Назар солсам уч-тўрт йигит қўлидаги битта папиросни айлантириб чекишяпти. Папирос тутунидан ўткир наша ҳиди анқирди. Бу воқеанинг гувоҳи бўлиб ўтирган шунча одам жим. Наҳотки ёшларни тартибга чақириш, уларнинг бу қилмишлари охир-оқибат яхшилик билан тугамаслигини тушунтириб, уларнинг юзига очиқча гапиришга ҳеч кимнинг юраги бетламаса? Ахир улар бегона эмас. Шу маҳаллада ўсган болалар-ку».

Энди бундан хулосани ўзингиз чиқариб олаверинг. Бизда ҳали ҳам «Сен менга тегма, мен сенга тегмайман», қабилида иш тутадиганлар етарли. Жамиятимиз учун зарарли бўлган бу иллатдан қанча тез қутулсак шунча яхши.

Суҳбатдош Маҳмуд КОМИЛЖОНОВ.

Ходиса

БОЛА ҚУТҚАРИЛДИ

Тушлик маҳали. Ҳамманинг нигоҳи шошилинч пишқириб келаётган ўт ўчириш машиналарида. Машиналар Чилонзор туманидаги «Қизил Шарқ» даҳаси муюлишига келгандаёқ ўт ўчирувчилар ёнғин чиққан хонадонни сезишганди. Тутун шу даҳадаги 13-уйнинг 32-хонадони деразасидан ташқарига бурқсиб чиқаётган эди. Ўт ўчириш ходимлари махсус нарвонли машинада ёнғин чиқаётган хонадонга кўтарилишганда, хона тутунга тўлган ва болакай йиғиси эшитилаётган эди.

Ўт ўчириш ходимларининг самарали ҳаракатлари ва ўз вақтида кўрган чора-тадбирлари туфайли ёнғин жадаллаш ишига йўл қўйилмади ва тезкорлик билан қисқа дақиқаларда у бартараф этилди. Уй ичида хавф остида қолган 6 ёшли Дмитрийнинг ҳаёти сақлаб қолинди.

Болакайни қутқариб қолишда ва ёнғинни бартараф этишда 25-ҳарбийлаштирилган ўт ўчириш қисми ходимлари — ички хизмат катта лейтенанти А. Сагатов ва ички хизмат кичик сержанти Т. Файзиевларнинг маҳоратлари ва ўз хизмат бурчларига сидқидилдан ёндошишларини алоҳида таъкидлаб ўтиш жоиз.

Тошкент шаҳар Ички ишлар бош бошқармаси Ёнғиндан сақлаш бошқармаси томонидан юқорида номлари келтирилган ўт ўчириш ходимлари ёнғинда кўрсатган маҳоратлари учун тақдирландилар.

Тўлаган АБДУЛЛАЕВ, Тошкент шаҳар Ёнғиндан сақлаш бошқармаси ходими.

Бош муҳаррир Эркин ЭРНАЗАРОВ

ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

БЕХАБАР ҚОЛМАНГ!

Тамаки маҳсулотлари ва алкоголь ичимликлари билан савдо қилувчи юридик ва жисмоний шахсларга шуни маълум қиламизки, акциз маркаларини жорий қилиш бўйича тармоқлараро комиссия қабул қилган қарорга асосан инвентаризациядан ўтган барча тамаки маҳсулотлари ва алкоголь ичимликлари учун белгиланган акциз маркаларининг сотилиши 1996 йил 1 декабрдан бошлаб тўхтатилган эди. Шуни инобатга олиб, акциз маркалари елимланган тамаки маҳсулотлари ва алкоголь ичимликларини сотиш муҳлати 1997 йил 1 мартгача этиб белгиланган.

Тармоқлараро комиссиянинг қарорига асосан 1 мартдан бошлаб инвентаризация учун мўлжалланган акциз маркалари елимланган тамаки маҳсулотлари ва алкоголь ичимликлари солиқ идоралари ходимлари томонидан савдодан олиб ташланади ва уларнинг эгаларига нисбатан белгиланган тартибда жарима қўлланилади.

Ахборот тариқасида инвентаризациядан ўтказилган маҳсулотлар учун белгиланган акциз маркаларининг код рақамларини келтирамиз:

Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқарилган тамаки маҳсулотлари учун О'Z 9600;

Хориждан келтирилган тамаки маҳсулотлари учун IM 9600;

Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқарилган алкоголь ичимликлари учун О'Z 96000;

Хориждан келтирилган алкоголь ичимликлар учун IM 96000;

Тамаки маҳсулотлари ва алкоголь ичимликлари билан савдо қилувчи, юридик ва жисмоний шахслар юқорида баён этилгандан тегишли хулоса чиқариб олган ҳолда зарур чора ва тадбирларни кўриб қўйишларини тавсия этамиз.

Тошкент шаҳар Давлат солиқ бошқармаси маъмурияти.

Ўзбекистон ХДП Тошкент шаҳар кенгаши шаҳар кенгашининг котиби Виктор Медведевга онаси **Мария Захаровна МЕДВЕДЕВАнинг** вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Тошкент оқшоми
Toshkent oqshomi

Муассиси ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ

Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

Телефонлар: хатлар — 33-29-70; эълонлар: 33-28-95, 33-08-74, 36-57-65. факс: (3712) 33-29-09.

Душанба, чоршанба ва жума кунлари чиқади. Нашр кўрсаткичи 64690

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтаси»га 33-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Рўйхатдан ўтиш тартиби: №10. ❖ Буюртма Г-077. ❖ Ҳажми — 2 босма табоқ офсет усулида босилади. ❖ Қоғоз бичими А-2 «Шарқ» нашриёт матбаа-концерни босмахонаси. ❖ Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй. ❖ Босмага топшириш вақти 11.30. ❖ 8.795 нусхада босилди. 1 2 3 4 5 6.